

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲАРБИЙ КАФЕДРАСИ

«Ҳимояга руҳсат этилсин»  
Ҳарбий кафедра бошлиғ`и  
подполковник. \_\_\_\_\_ Л.Давиров  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2016 йил.

5111500 – «Чақирикқача ҳарбий та`лим» та`лим йўналиши  
4- курс 401 гуруҳ талабаси  
ОБИДОВ Олимжон Тўйчи ўғлининг

“ХАЛҚНИНГ ЖАНГОВАР ВА МЕХНАТ АНЪАНАЛАРИДА  
ЎҚУВЧИЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ”  
МАВЗУСИДА ЁЗИЛГАН БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: \_\_\_\_\_ таълим йўналиши  
битирувчи 4 курс талабаси Обидов О.

Илмий раҳбар: подполковник  
\_\_\_\_\_ Дурменов Ш.Н.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.

\_\_\_\_\_ сонли баённомаси « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 йил

Тошкент–2017

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.</b>	
<b>I-БОБ. ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНING МАФКУРАВIIY ВА УСЛУБИЙ-МЕТОДОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
1.1. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, ёшларни ватан ҳимоясига тайёрлаш тизимининг муҳим омили сифатида	
1.2. Ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти	
1.3. Таълим муассасаларида ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг мавжуд ахволи	
<b>II-БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЖАНГОВАР ВА МЕҲНАТ АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ИШЛАРИНИНГ МЕХАНИЗМИ. (ШАКЛИ, УСЛУБИ ВА МАЗМУНИ)</b>	
2.1. Анъаналар ва уларнинг асосий моҳияти ҳамда тарбиявий ишларининг замонавий шакллари ва услублари	
2.2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги жанговар анъаналари. Уларнинг ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва хизмат фаолиятидаги ўрни	
<b>III-БОБ. ТАДҚИҚОТ СИНОВ НАТИЖАЛАРИ</b>	
3.1. Ўқувчиларни Ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мажмуавий ёндашишга асосланган тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари	
<b>ҲУЛОСА.</b>	
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.</b>	
<b>ИЛОВАЛАР.</b>	

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов «**Ватан бу аввало ота-она, қадрдон ер, севимли ёр, яқинлар ва дўстлардир. Мен шунини айтмоқчиманки Ватанни ҳимоя қилаётганда жангчининг кўзи олдида биринчи навбатда ота-онаси, туғилиб ўсган ўлкаси, севимлиси ва яқинлари намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Ватанни фақат унинг ҳақиқий ўғлонлари ҳимоя қилади**” деган эди.

Ватанга муҳаббат ватанпарварлик – бу буюк туйғу бўлиб, у инсонда оилада, мактабда, коллеж ёки лицейда, олий ўқув юртида, меҳнат жамоаси ва ҳарбий жамоада тарбияланади. У инсоннинг Ватанни кучли, гуллаб - яшнаётган, қудратли қилиш учун интилишини ифодалайди ҳамда унинг ўз юртини душманларнинг ҳар қандай босқинчиларидан кескин ҳимоя қилишга тайёрлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси янги асрга дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида, ўз кучи ва қудратига ишонч билан демократик ҳуқуқий давлат қуриш каби аниқ мақсад билан кириб келмоқда.

Миллий хавфсизликни таъминлашда сиёсий тадбирлар билан бир қаторда мамлакатимиз раҳбарияти, шахсан юртбошимиз давлатимизнинг худудидий яхлитлиги ва суверенитетининг кафолоти бўлмиш Қуролли Кучларимизнинг мустаҳкамлаш ва ҳарбий қурилиш масалалари билан изчил шуғулланмоқдалар. Мустақиллика эришганимиздан сўнг Қуролли Кучларимиз мураккаб йўлни босиб ўтди. Уларнинг шаклланиши ва ривожланиши қатъий ҳуқуқий асосда олиб борилди. Мавжуд қийинчиликларга қарамай давлат чегараларини мустаҳкамлаш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қўшинларни қайта жойлаштириш ва барча лозим бўлган нарсалар билан таъминлаш борасида анча ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти зиммасига юклатилган вазифалар доирасини кенгайтирмоқда. Ташкилотнинг шахар,

туман кенгашлари, ўқув спорт муассасалари жойларда иқтисодий – ижтимоий ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар. Замон талабидан келиб чиққан ҳолда фаолиятнинг янги турлари жорий этилмоқда.

Авваломбор эътибор ташкилотнинг моддий негзини мустаҳкамлаш, молия-хўжалик фаолиятини ривожлантиришга қаратилмоқда. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ташкилотлар мақсад ва вазифаларини амалга оширишда мустаҳкам пойдевордир.

Ҳозирги кунда дунёдаги шу жумладан, минтақамиздаги ҳарбий-сиёсий вазият турли жойларда терорчи ва экстремистик гуруҳларнинг пайдо бўлиши мамлакат мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, армияда доимий жанговор шайликни ошириш, шахсий таркибнинг ҳарбий сабоқ ва санъатини, техникани пухта ўрганишни, маънавий-руҳий жиҳатдан ҳар томонлама тайёрланган бўлишини талаб этмоқда.

*Мавзунинг долзарблиги* ҳозирги кунда ён атрофимизда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида юз бераётган воқеалар, айрим сиёсий кучларнинг сохта ғоялари ва ҳар-хил терористик оқимларга ёшларимизни кириб кетишларини олдини олиш, ватанга садоқат руҳида яъни ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз кераклигидадир.

### **Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.**

Ўқувчи ёшларимизни яъни Ватан ҳимоячиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, юртимизда олиб борилаётган ислохотларни нақдар тўғрилигини ва ўқувчи ёшларга берилаётган эътиборни тўғри тушунтириш ва таълим жараёнида ўргатиш битирув малакавий ишнинг мақсади ҳисобланади.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур:

-ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил қилиш ва олиб бориш усуллари, бу ишдаги муаммоларни аниқлаш ва уни ечимини топиш бўйича таклифлар бериш;

- академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини ҳарбий касбни ўрганишга психологик тайёрлаш ва уларда иродавий барқарорликни шакллантириш йўлларини кўрсатиб бериш;

- ўқувчи ёшларни дарсдан ташқари вақтларини тўғри ташкил этиш бўйича таклифлар бериш;

- мудофаа ишлари бўлими, ва ҳарбий қисмлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш таклифларини киритиш.

### **Қиёсий таҳлили.**

Собиқ совет давлати вақтида ватанпарварлик тарбияси бўйича кўргазмали қуроллар, диафильмлар, кинофильмлар ва оммавий анъанавий тартибда амалга оширилган бўлса, ҳозирги кун мустақилликка эришганимиздан сўнг ватанпарварлик тарбияси миллий қадриятларимиз, ўзимизнинг урф –одатларимиз, алоҳида жойларда ноанъанавий тарзда, масофавий машғулотлар олиб бориш, сўз эркинлиги билан амалга оширилмоқда.

### **Мавзуни ўрганганлик даражаси**

Ўқувчи ёшларни Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишга тайёрлаш каби умумхалқ, давлат аҳамиятига эга бўлган мажбуриятининг бир қисми деб қабул қилинган йўналиш сифатида ўрганиб келинмоқда.

Шу мавзу билан боғлиқ муаммоларни илмий – назарий ва амалий таҳлил этишда И.А.Каримовнинг илмий асарлари ва китоблари эътиборга моликдир.

**Тадқиқот объекти** ушбу мавзуни Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И. Каримовнинг асарлари, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги қонуни, ҳукуматимиз ва Мудофаа вазирлигининг деректива ва меъёрий ҳужжатлари, «Ватанпарвар» Мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган методик кўрсатмалар, йўриқномалар, хорижий ва маҳаллий етакчи олимларнинг илмий асарлари ўрганганлик ташкил қилади.

**Тадқиқот предмети.** Тадқиқотнинг предмети бўлиб Академик лицейда Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги фанини ўқитиш жараёни ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишини олиб боришда қуйидаги методлардан фойдаланилди:**

- муаммога оид манбалар ва илмий тадқиқотлар мазмуни билан танишиш;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг иш фаолияти билан танишиш ҳамда ҳужжатларини ўрганиш;
- анкета;
- суҳбат;
- интервью;
- педагогик кузатиш;
- педагогик тажриба;
- математик-статистик метод.

**Тадқиқотнинг илмий аҳамияти.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Мудофаа тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги Қонунлари, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сафарбарлик чақирув резервидаги хизматини ташкил қилиш тўғрисида”ги Қарори, ҳарбий тизимни ислоҳ қилиш борасидаги давлат сиёсати Шарқ мутафаккирлари, шунингдек, педагог олимларнинг қарашлари, таълим тизими моҳиятини ёритувчи меъёрий ҳужжатлар, педагогик ва психологик таълимот ҳамда назариялар ташкил этади.

**Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши:** кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат бўлиб жами \_\_\_\_ бетни ташкил этади.

# **I-БОБ. ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНING МАФКУРАВИЙ ВА УСЛУБИЙ-МЕТОДОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.**

## **1.1. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, ёшларни ватан ҳимоясига тайёрлаш тизимининг муҳим омили сифатида**

Ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг назарияси ва амалиётини ўзлаштириш, уларни ҳарбий хизматга, ўз Ватани - Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишдаги бурчларини бажаришга ҳар томонлама тайёрлаш - ўқув юртлари педагогик жамоаларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бу вазифани мувафаққиятли ечиш учун «Чақириққача қадар бошланғич тайёргарлик» мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга, «Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси асослари» фани яқиндан ёрдам беради.

«Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси асослари» фанини ўрганиш предмети бўлиб, ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг услубий ва мафкуравий-назарий асослари, ўқув юртидаги ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг системаси, ўқувчи ёшларни Қуролли Кучлар хизматиغا, Ватан ҳимоясига ахлоқий-сиёсий, психологик, ҳарбий-техник ва жисмоний тайёрлашни ташкиллаш, унинг мазмуни, шакл ва услублари бўлиб ҳисобланади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

**биринчидан**, олий ўқув юртида ўқитилаётган бошқа фанлар билан узвий бирликда, талабаларни миллий ва байналминал руҳида тарбиялаш, уларни Ватан ҳимоясига доимо қўлда қурол билан шай бўлишларини таъминлаш;

**иккинчидан**, талабаларда фаол онгли, меҳнатсевар, Ватан учун жасоратга ва қахрамонликка тайёр ёш авлодни тарбиялай оладиган педагог ўқитувчи хислатларини ривожлантириш;

**учинчидан**, талабаларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини назарий-амалий билимлари билан қуроллантириш, уларда умумий ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларида чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчиси лавозимида ишлаш учун ўқув ва тарбиявий ишларни ташкиллаш ва ўтказиш, малака ва кўникмаларини шакллантириш.<sup>1</sup>

Ушбу фан бўйича талабалар курс имтиҳонини топширадилар, фаннинг асосий мазмуни саволлари давлат имтиҳонига киритилади.

Ўқиш мобайнида ҳар бир талаба мустақил равишда ҳарбий ватанпарварлик тематикасида 2-3 та мақола ёзиши, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида ҳарбий таълим асослари бўйича бирор бир тўғаракка раҳбарлик ишларида қатнашиши керак.

«Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси асослари» фани бўлажак ҳарбий таълим раҳбарларига Ватан ҳимоясига тайёр бўлган муносиб ёш авлодни юқори даражада тайёрлаш учун яқиндан ёрдам беради.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ёшлар умумий тарбиясининг таркибий бир қисмидир.

**«Ватан», «Ватанпарварлик» деганда биз нимани тушунамиз?**

«Ватан» - бу минг йиллар мобайнида сайқалланиб, кишилар руҳига илхом берувчи, мард ўғлонларни жасоратга, керак бўлса она-замин учун жонларни фидо этишга ундовчи муқаддас бир туйғудир.

«Ватан» бу бизнинг оила, уйимиз, яшаб турган маҳалламиз, кишлоғу-шаҳримиз ва, албатта, бу – Она Ўзбекистонимиздир.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг қуйидаги сўзларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Одамларимиз, жамиятимиз мафқурасида Ватан, юрт ғояси

---

<sup>1</sup>А.Ақбаров, Ш.Тилаволдиев. “ЧЁТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси”. Услубий тавсия. 2005 йил.



устивор бўлмоғи керак. Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак».<sup>2</sup>

Бу муқаддас ғоялар, миллати ва эътиқодидан қатъий назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онгига сингмоғи, ҳар биримиз учун энг катта таянчга, энг катта ишончга, борингки, ҳақиқий иймонга айланиши керак».

Истиқлолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтара олмайди, қаддимизни буколмайди.

Бу буюк ғоялар ҳар биримиз қонимизга, қалбимизга сингиб, келажак авлодларга муқаддас бойлик -муқаддас мерос бўлиб ўтиши керак.

Биринчи Президентимизнинг Ислом Каримовнинг ушбу сўзлари бизларга «Ватанпарварлик» сўзи қандай мазмунга, моҳиятга эга эканлигини, «Ватанпарвар» қандай бўлиши кераклигини тўла-тўқис очиб берган.

Биз «Ватанпарвар», «Миллатсевар» деган сўзларни эшитганимизда беихтиёр кўз олдимизда буюк аждодларимиз бўлмиш Широқ, Тўмарис, Алпомиш, Жалолоддин Мангуберди, Номозботир ва буюк соҳибқирон Амир Темур қиёфалари гавдаланади.

Биз ҳам улар сингари Ватан учун, ўзбек халқи учун муносиб авлод бўлишга ҳаракат қиламиз.

Яқин ўтмишимиздан, шўролар ҳукумати вақтида яшаб ўтган миллатимизнинг асил ўғлонлари Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон ва бошқа буюк сиймолар олдида бош эгамиз. Уларнинг ватанпарварлиги, жасурлиги, ўзбек халқининг ёрқин келажаги учун жонларини фидо этганликлари, уларни миллат равнақи учун яшаб, курашиб ўтган ҳаётлари биз ёш авлод учун бир ҳаёт мактаби -ватанпарварлик мактаби бўлиб қолади.

Мустақиллик, мустақил суверен давлатнинг тузилиши - бу ҳар бир халқнинг асрий орзуси - умидларининг, муқаддас мақсадларининг рўёбга чиқишидир. Ўзбекистон халқи 1991 йил 31 августда ўзининг давлат

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-сессиясида сўзлаган нутқидан.

мустақиллигини эълон қилди. Дунё харитасида яна битта мустақил, тўла ҳуқуқли, суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1991 йил 1 сентябрни Мустақиллик куни байрами деб эълон қилди. Шу кундан бошлаб биз Ватан деган туйғуни тўла-тўқис ҳис этдик.

Халқимизнинг мустақил Ватан учун фидокорона курашлари рўёбга чиқиб, биз ўз Она Ватанимизга, тилу-динимизга эга бўлдик.

Биринчи Президентимиз И.Каримов айтиб ўтганларидек, ҳар бир авлод эл юртининг тарихини ва обрўини, ўзининг фарзандлик муҳаббати ва эътиқоди, садоқати ва бунёдкорлиги, матонати ва мардлиги билан барпо этади.

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи - халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил кўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша асраб-авайлаб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашни олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун белгилаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов ўз нутқида миллий мафқурани миллий эҳтиёж даражасига кўтариш зарурлигини таъкидлаган эди.

Миллий истиқлол мафқураси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш ҳақидаги сиёсий, илмий, назарий, тарихий, фалсафий, бадий ва диний қарашлар мажмуи, халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи ғоявий қуроли, барча тоифа кишиларни шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий омил ҳисобланади. Миллий истиқлол мафқурасининг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

Халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, руҳиятига, тилига, диний мос ғоялар асосида одамлар онгига келажакка ишонч, меҳр-муҳаббат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини сингдириш;

миллий истиқлол мафкураси орқали халқимизда ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятида, илғор давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ва муносиб ўрин эгаллашга интилиш хиссини тарбиялаш;

соғлом, маънавий бой, комил авлодни шакллантириш.

Миллий истиқлол мафкурасининг негизини ватанпарварлик, эркинлик, миллий ифтихор, инсонпарварлик, байналмилаллик каби хусусиятларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганидек, ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қудрат манбаи, илмий асос, бу миллий ғоя, миллий мафкура бўлиши шарт.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб, бу масалага алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Миллий мафкуранинг ҳаётимиздаги ўрнини белгилаш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш, мафкуравий тарбиявий йўналишларини ишлаб чиқиш, шу асосда жамиятимизда ижтимоий фикрни шакллантириш мақсадида амалга оширилган ишлардан барча хабардор. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига доимий эътибор қаратиб, ўз асарлари ва нутқларида бу масалага алоҳида урғу бериб келган.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги фикрларни баён этиб, авваламбор, ўзининг келажакини қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёҳуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таянишини таъкидлайди.

Зеро, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосида қурилмоғи лозим. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрларни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собит қадам ҳайрат шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир – деган эди Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов.

Бизнинг бугунги энг буюк вазифамиз ва муқаддас бурчимиз Ўзбекистон тарихидан ўзимизга муносиб саҳифа очиш ва уни авлодларимиз учун ибрат бўладиган олийжаноб ва савобли ишлар билан тўлдиришдир.

Мана шу сўзлар буюк мақсадлардан келиб чиққан ҳолда бизлар ҳам ўз олдимизга асосий вазифаларни белгилаб олишимиз керак. Бизларни, яъни бўлажак ҳарбий таълим ўқитувчиларни, асосий вазифамиз - мана шу мустақил Ватанни жон-жонидан севувчи, унинг равнақи ва озодлиги, халқи учун жасоратга, керак бўлса жонини фидо этишга тайёр бўлган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган мард ўғлонларни, ўзбек ватанпарварларини тарбиялаб вояга етказишдир.

Бу тарбия, албатта умумий тарбияни ахлоқий, меҳнат, эстетик, сиёсий, жисмоний турлар билан узвий боғлиқликда олиб борилиши керак.

Юқорида айтиб ўтилган тарбия турлари орасида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси муҳим ўрин эгаллайди. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ёшларни Она-Ватанга, унинг шонли тарихига, тинчликпарвар ва бунёдкор халқига садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш керак.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотларида, ҳарбий ватанпарварлик ва оммавий муҳофаа тадбирларида ўқувчи ёшлар Қуролли

Кучлардаги бўлажак хизматлари ва Ватанимиз ҳимояси учун зарур бўлган билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштирадilar. Улар бу машғулотлар ва тадбирлар давомида ҳарбий иш ва хизмат асосларида дастлабки маълумотларни оладилар. Ёшлар Қуролли Кучларимиз тарихини, унинг бугунги кундаги Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишдаги фаолияти, Қуролли Кучлар турлари ва уларни вазифалари, Қуролли Кучлардаги хизмат қилиш тартибларни ва бошқа кўп зарур бўлган билимларни чуқур ўрганадилар.

Шундай қилиб, Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотлари ва оммавий мудофаа тадбирлари ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш дастурининг асосий ўзагини ташкил этади.

**Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишнинг асосий йўналишлари.**

Барча ижтимоий-сиёсий фаолият сингари, ҳарбий ватанпарварлик ишида ҳам маълум бир тизим, шаклий услуб мавжуддир.

У аниқ бир вазифаларни, шакл ва услублар мазмунини, воситаларни, шунингдек, ўзига хос вазифаларни бажарувчи давлат ва жамоат, корхона, ташкилот ва муассасаларини ўз ичига олади.

Бу тизим, шакл, **биринчидан**, комплекс хусусиятга эга, яъни ватанпарварлик туйғусини шакллантириш барча ўқув-тарбия муассасаларининг вазифасидир.

**Иккинчидан**, у узлуксиздир, чунки инсон ҳаётининг барча давларида ўз таъсир кучида бўлади.

**Учинчидан**, у тўлиқ бир шаклдир, чунки у тарбиянинг барча турларига ҳамда армия ва халқининг бирлигига таянади.

Юқорида санаб ўтилган уч йўналиш ҳарбий ватанпарварлик тарбияси системасининг ўзагини ташкил этади. Буни қуйидаги шарҳлар билан ёритиб бериш мумкин:

1. Қачонки, қайси бир давлат ёки армия шахсий таркиби ахлоқий-сиёсий ва психологик жиҳатдан турғун бўлса, улар ўз Ватанларига чексиз муҳаббат ва қўшинларига садоқатда бўлса, улар ўз ишларини ҳақ эканликларига чуқур ишонишса, бу ҳақ иш учун, жонларини ҳам фидо этишга тайёр бўлсалар, бундай халқ ёки қўшин ҳеч қачон енгилмайди. Чунки, улар сиёсий жиҳатдан етук, психологик жиҳатдан эса турғун инсонлардир. Бундай инсонлар машаққатлар, қийинчиликлар олдида эсанкирамайди, иккиланмайди, аксинча, улар бор шижоатлари ила ва барча воситалар билан фақат ғалаба учун курашадилар.

Тарихдан бизга маълумки, кўп урушлар натижаси охир-оқибатда жанг қилаётган томон қўшинларининг руҳий ҳолатига боғлиқ бўлган.

Демак, шундай экан, бизнинг вазифамиз ўз Ватанига чексиз садоқатда бўлган, руҳий жиҳатдан етук, турғун ёш авлодни тарбиялаш, улардан Ватан равнақи учун, мустақиллиги учун, зарур бўлса жонини фидо этишга тайёр бўлишдек ҳислатларни шакллантиришдир.

2. Армия шахсий таркиби нафақат сиёсий ва руҳий жиҳатдан, балки ҳарбий-техник тайёргарлиги жиҳатидан ҳам юқори савияда тайёрланган бўлмоғи керак. Бу шахсий таркиб ҳарбий билимлар, малакаларни эгалламоғи, улар интизомий ва тартибли бўлишлари, ҳарбий қасамёд ва низом талабларини сўзсиз бажаришлари, қўл остидаги жанговар техника ва қуроллардан мохирона фойдалана олишлари керак деганидир.

Албатта, юқорида айтилиб ўтилган барча жанговар ҳислатлар, ёшларда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларидан бири бўлган ҳарбий-техник тайёргарликда шакллантирилади.

Бу ишларни амалга оширишда ҳарбий-техник жиҳатдан юқори даражада тайёрланган чақирилувчи ёшларни тарбиялашда Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотлари, «Ватанпарвар» ташкилоти қошидаги тўғараклар ўзларини улкан ҳиссаларини қўшишлари керак.

3. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини асосий йўналишларидан яна бири, ёшларнинг жисмоний тарбияси ҳисобланади. Бу йўналиш ёшларда

жисмоний чиниқишни, яъни уларни ҳарбий хизмат даврида ҳам, тинчлик вақтида ҳам катта жисмоний юкларни (нагрузкларни) сабот билан енгиш қобилиятини тарбиялайди.

Жисмоний жиҳатдан чиниққанлик - бу нафақат соғлом танага эга бўлиш, балки, бу Ватан ҳимоясига ва меҳнатга тайёргарлик ҳамдир. Ҳозирги статистик маълумотларга қараганда, ёшларнинг 50 фоизининг саломатлиги ва жисмоний тайёргарлиги қўйилаётган талабларга жавоб бермайди. Бу камчиликлар умум, ўрта таълим мактабларида, ёшлар ташкилотларида, жисмоний тарбияни талаб даражасида олиб борилмаганлиги, бу муҳим ишга, айтиш мумкинки, давлат аҳамиятига молик бўлган ишга кўп ҳолларда юзаки ёндошилаётганликдан далолат беради.

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистонда бир неча қонун ва қарорлар ана шу муаммоларни бартараф этиш, ёшларнинг жисмоний тарбиясини яхшилаш мақсадида Президент ва ҳукумат томонидан қабул қилинган ва бу борада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллик, тараққиёт йўлидан буюк келажак сари шахдам одимлар ташлаб бормоқда. Меҳнатсевар, тинчликпарвар, тараққиёти юксак даражада бўлган, маданияти, фани ривожлангани, ҳуқуқий жамият пойдеворини яратиш жараёнида ёш авлоднинг ҳам, албатта ўз ўрни бўлиши керак. Ёш авлодни буюк келажак қурувчилар сифатида тарбиялаш, уларни халқимизнинг бугунги кундаги улкан яратувчанлик ишларининг муносиб давомчилари сифатида вояга етказиш учун Президентимиз, ҳукуматимиз барча ишларни амалга оширмоқдалар. Халқимизнинг мана шу эзгу ниятларини рўёбга чиқариш учун ҳукуматимиз томонидан бирига қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Булар жумласига, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Соғлом авлод учун» ва бошқалар киради. Бу қонунлар бизларга таълим ва тарбиянинг барча турлари билан бир қаторда ёшларнинг ҳарбий

ватанпарварлик тарбиясини ҳам мазмунан сифат жиҳатидан янада юқори даражаларида ташкил этиш ва амалга ошириш имконини беради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ўзбекистон халқи буюк давлат, жамият қурилиши йўлида мардонавор меҳнат қилмоқда.

Бизнинг кундалик вазифамиз, ёшларни ана шу қурилишлар жараёнига жалб қилиш, улар онгига Ўзбекистоннинг буюк келажаги айнан, ёшлар қўлида эканлигини сингдириш, кундалик машғулотлар, турли тадбирлар давомида уларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини уйғотиш ва бу туйғуларни асраб-авайлаб тарбиялашдир. Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунларда бизнинг минтақамизда, хусусан, Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий аҳвол кескин бўлиб қолмоқда.

Турли диний экстремистик, ақидапараст гуруҳларнинг ҳокимият учун курашиши, уларни бизнинг жамият учун умуман ёт бўлган дунёқарашларини тарғиб қилиши Ватанимиз мустақиллигига, унинг тинчликсевар кўпмиллатли халқига хавф туғдириши мумкин.

Бу гуруҳларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган бузғунчилик тарғиботлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов айтганларидек, «Ёшлар учун курашиш керак». Бу кураш бизнинг ҳар бир машғулотларимизда, ўтказётган тадбирларимизда ўз аксини топиши, қисқасини айтганда эса ватанпарварлик тарбияси ишларининг бош низоми бўлиб қолиши керак.

## **1.2. Ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти**

Ўрта махсус билим юртларида таълим ва тарбия олаётган ёшларнинг ватанпарварлик тарбияси Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ва ҳукумати, таълим бошқармаларининг муҳим фаолиятларидан бири бўлиб ҳисобланади.



Ёшларга уларнинг болалик йиллардан бошлаб, Ўзбекистон халқининг бой анъаналари ва миллий қадриятлари, халқимизнинг буюк ўтмиши ҳақидаги билимларни, шунингдек, ўз Она-Ватани Ўзбекистоннинг садоқатли ҳимоячилари бўлишини онгли равишда ҳис қилишларини сингдириб бориш керак.

Ҳозирги вақтда ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни ва жараёни, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларга боғлиқ бўлган бир қатор омиллар билан бойитилиши лозим.

**Бу омиллар қуйидагилардир:**

мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги инсон, яъни шахс ролининг ўсиши;

унинг мамлакат муҳофаазидаги аҳамияти;

ҳарбий хизматни ташкиллашдаги туб ўзгаришлар;

замонавий қурулми курашларнинг шакл ва усуллари такомиллашуви ва бошқалардир.

Ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш ишларининг тубдан ўзгариши ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни, шунингдек, ташкилий-услубий жиҳатлардан тўлиқ фойдаланишни тақозо этади. Бунинг учун, тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, анъанавий тарбия шакллари танлаш ва мустаҳкамлаш, ҳозирги шароитда ватанпарварлик тарбияси вазифаларини тўла амалга ошира оладиган янги шакл ва услубларни излаш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш лозим. Бунда асосий эътиборни ватанпарварлик тарбиясининг шакл ва услубларини ташкилий жиҳатдан таъсирчанлигига ва уларни Ватан ҳимоячиси шахсини ривожлантиришга йўналтирилганлигига қаратиш зарур.

Ватан ҳимоясига шайлик, ўқувчилар шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, улар томонидан жамият маданияти бойликларини ўзлаштиришнинг натижаларидан келиб чиқади.

Ҳозирги шароитда ҳарбий ишнинг мураккаблашиб бориши, бугунги кун жангчисига қўйилаётган талабларнинг ўсиши, ўқувчи ёшларнинг

ватанпарварлик тарбиясига янгича назар билан қараш ва ёндошишни тақозо этаётир. Ватанпарварлик тарбиясидаги кадриятлар ва сифатларни шакллантиришда асосий етакчи рол таълимга, яъни ўқитишга тегишлидир. Лекин, бу инкор этилмайдиган назарий хулоса, фан асосларини ўқитаётган ўқитувчиларнинг услубий материаллари ва амалий ишларида тўла амалга оширилмаяпти. Умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг аксарият қисми ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси вазифаларига юзаки ёндошадилар ва кўп ҳолларда ўзлари ўқитаётган фанларнинг бу вазифаларни ечишдаги имкониятларини тасаввур ҳам қилмайдилар. Ватан ҳимоячиларини тарбиялаш ишларига педагогик жамоалари томонидан Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани раҳбари, «Ватанпарвар» ташкилоти, Мудофаа ишлари бўлимлари ва ёшлар ташкилотларининг тор доирадаги фаолиятлари деб қаралади. Лекин шу нарса аниқки, агар ўқувчиларнинг муҳим ҳаёт фаолиятларининг бири - ўқув фаолияти тинчликни сақлаш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш ва унинг ҳимоясига шай бўлиш каби юксак ғоялар билан бойитилмаса, у ҳолда уларни вақтинчалик тадбирлар воситасида ўрнини тўлдириш самарасиз бўлиб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда кенг фикрловчи, чуқур эътиқодли инсонларгина ватанпарвар фуқаро бўлиши мумкин.

Бўлажак ватан ҳимоячисини тарбиялаш, энг аввало ватанпарварлик туйғусидаги интилишлар билан тўлдирилган ёшлар турмуш тарзини ташкиллаш демақдир. Бунга эса тарбия муассасаларининг ўзаро ҳам-корликдаги ҳаракатлари билан эришиш мумкин.

Турли жамият институтлари, бир йўналишда ҳаракат қилиб, бир-бирларини такрорламасликлари керак. Оилада болага сингдириладиган дастлабки ватанпарварлик тушунчалари ва туйғулари, ўқув юртларида фан асосларини ўрганиш жараёнида, уларнинг илмий англаш даражасига кўтарилади. Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини энг асосий босқичи ҳисобланган армия сафидаги ҳарбий хизмат вақтида шаклланган

шахс сифатлари Ватанни ҳимоя қилишга шайлик сифатида таҳлил қилинади.

### **Ватан ҳимоячисига қўйиладиган умумий ва махсус талаблар.**

Ватан ҳимоячисини тайёрлаш тизимини тузиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун Ватан ҳимоясига шайлик сингари инсоннинг мураккаб сифатларидан бири ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг мақсад ва вазифаларини билиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ватан ҳимоясига шайликнинг тузилишида, одатда ахлоқий сиёсий, руҳий, ҳарбий-техник ва жисмоний тайёргарлик каби сифатлар ажратиб кўрсатилади.

Шундай бўлсада, Ватан ҳимоясига шайлик тўғрисидаги тасаввурлар бу сифатни барча мураккаб томонларини, унинг бутун хусусиятини очиб бермайди. Бу шуни англатади-ки, Ватанни ўз ҳаётини ҳавф остига қўйиб, ҳимоя қилишга шайликни ривожлантиришни, инсон характерида алоҳида ижобий сифатларни шакллантириш билан алмаштириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ватан ҳимоясига шайликни таъминловчи бутун ўқув тарбия жараёнини яратиш учун у тўғрисида яхлит бир тасаввурга эга бўлиш керак.

Мана шу муносабат билан ҳарбий - ватанпарварлик тарбияси ташкилотчилари умумий педагогика ва психология, шунингдек ҳарбий педагогика ва психология бўйича чуқур билимларга эга бўлиши зарур. Чунки, бу фанларнинг таъкидлашича, Ватан ҳимоясига шайлик, эътиқод, туйғу, қатъиятлилик, мустаҳкам ирода, жисмоний чиниққанлик ва ҳарбий ўқув сингари шахсни бутун бир сифатлари мажмуасини намоён қилади. Бу сифатларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, улар биргаликда Ватан ҳимоясига шайликнинг яхлит бир тузилишини ҳосил қилади, ва бу инсоннинг асосий сифатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳарбий фаолиятга шайлик кўрсаткичларини икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Бу умумий ва махсус талаблардир.

Умумий талаблар - бу интегратив белгилар бўлиб, улар Ватан ҳимоясига шайликнинг шаклланганлигини ифодалаб беради. Улар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга турғун ишонч ўқувчилар томонидан ўз ватанпарварлик бурчларини чуқур англаш;

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти ва ҳукуматининг ташқи ва ички сиёсатига, мамлакат мудофаасини ва Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш бўйича олиб борган тадбирларга ишонч;

Ўқувчиларнинг етакчи фаолиятлари ўқиш, меҳнат ва спорт билан шуғулланишларининг ватанпарварлик йўналишида бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидаги руҳий ва жисмоний қийинчиликларни енгиб ўтишга ўз-ўзини онгли равишда тайёрлаш;

Ҳарбий Низом талаблари ва командирларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришдаги қобилияти, уларнинг Ватан топшириғи деб қабул қилиш, юриш-туришини бошқариш;

Ҳарбий интизом меъёрлари ва талабларини ҳар қандай шароитда ҳам бажаришга шайлик;

Ҳаёт учун хавф бўлган шароитларда ҳам қахрамонлик намуналарини кўрсата олишга шайлик.

Махсус талаблар ватан ҳимоясига шайликнинг алоҳида томонлари ёки жиҳатларига боғлиқ бўлиб, бир неча гуруҳларга бўлинади.

### **Ахлоқий-сиёсий тайёргарликка бўлган махсус талаблар:**

Ватанимиз мустақиллигининг гарови бўлган Қуролли Кучларимиз ҳарбий қудрати ҳар бир кишининг меҳнати билан яратилиши ва унинг янада мустаҳкамлаш учун чуқур билим, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият, интизомийлик ва юксак иш қобилияти зарурлигига ўқувчиларнинг ишончи;

Ўзбек халқининг жанговар ва меҳнат анъанларини руҳан қабул қилиш, Ватан ҳимоячиси бўлган идеалларнинг уларда бўлиши;

Ўқувчиларда ижтимоий туйғулар (бурч, масъулият, ватанпарварлик, душманга нафрат, юксак сезгирлик ва бошқалар) бўлиши;

«Ватанпарварлик», «Ватан», «Она юрт», «Ҳарбий бурч», «Жасорат», «Қахрамонлик», «Жасурлик», «Фидоийлик» каби ва бошқа таянч тушунчаларнинг мазмунини чуқур англаш ва бошқалардир.

### **Руҳий тайёргарликка бўлган махсус талаблар:**

Руҳий билиш жараёнларини (хотира, фикрлашнинг тезкорлиги, тасаввур, ҳар томонлама қабул қилиш), ирода сифатларини (қатъиятлик, жасурлик, Руҳий турғунлик, мақсадга интиланлик, бажарувчанлик, интизом, кўркмаслик, Ватан учун ўзини ҳам фидо этишга шайлик), руҳий сифатларни (Ватанга муҳаббат, душманларга нафрат ва бошқалар), ижтимоий руҳий сифатларни (жамоага суяниш, ўртоқлик, ўзаро ҳамкорлик, бир-бирига ёрдам), юксак даражада ривожланганлиги;

Ҳозирги замон уруши хусусиятларини, янги қуролларни билиш, улардан сақланиш малакаларига эга бўлиши;

Ҳақиқий жанговар вазиятда учраши мумкин бўлган қийинчилик ва машаққатларни онгли равишда чуқур англаш;

Ҳарбий фаолият ва жанговар жамоа шароитларига кўникиш малакаларига эга бўлиш;

Ўз юриш-туришини бошқара олиш, баъзи бир туйғуларни (кўркув, саросима, ўзини йўқотиб қўйиш) сўндира олиш, бошқа бир туйғуларни эса (Ватанга муҳаббат, бурч, душманга нафрат) кучайтира олиш қобилиятларининг бўлиши;

Руҳий ва жисмоний қийинчиликларни енгиб ўтиш тажрибасининг борлиги;

Руҳий сифатларни бир фаолият туридан иккинчи бир фаолият турига ўткази олиш имконияти ва бошқалардир.

### **Ҳарбий-техник тайёргарликка бўлган махсус талаблар:**

Илмий-техник тараққиёт аҳамияти ва унинг ҳарбий ишга таъсирини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Доктринасининг муҳофаа хусусиятини,

замонавий жанговар техника ва қуроллар томонидан аскарларга қўйилган юксак талабларни билишлари;

Чақириққача ҳарбий таълим асосларидан билим, кўникма ва малакаларнинг бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тузилиши, қўшин турлари ҳақидаги билимларга эга бўлиши, техника ва қуролларга қизиқиши, бирор бир ҳарбий мутахассисликни эгаллаш учун зарур билим ва малакаларнинг борлиги ва бу билимларни бошқа бир ҳарбий мутахассисликка ўтказа олиш имконияти;

Аниқ бир ҳарбий амалий фаолият тажрибасини борлиги (автомобиль, мотоцикл, тракторларни бошқара олиши, ўқ отар қуроллардан фойдалана олиши, парашютдан сакраши), ҳарбий қуроллардан жанговар вазиятда фойдаланишда ва вазифаларни бажаришда аниқ ҳаракат қилиш малакаларига эга бўлиш;

Умумтехник кўникма ва малакаларни ҳарбий техник фаолият вазиятларига ўтказа олиш қобилиятининг бўлиши;

### **Жисмоний тайёргарликка бўлган махсус талаблар:**

Ватанни ҳимоя қилиш вазифасини бажариш билан боғлиқ умумий жисмоний сифатлар - куч, тезлик, чаққонлик ва чидамлилиқнинг ривожланганлиги;

Махсус жисмоний сифатларга эга бўлиш: бош айланишига, тоғ касаллиқларига, иссиқ минтақалардаги ҳаракатларга, чегараланган сув истеъмолига, махсус жиҳозлар ва асбоб-анжомлар билан ҳаракат қилишга турғун қобилиятининг бўлиши;

Катта жисмоний юк ва зўриқишларни енга олиш имконияти ва бошқалар.

Юқорида келтириб ўтилган Ватанни ҳимоя қилишга шайлик кўрсаткичлари ўқувчиларни шакллантириш, ҳарбий ватанпарварлик

тарбиясида вазифалар қўйиш учун ва уларни амалга ошириш учун воситалар излашда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг мақсадини бирор-бир жумла билан ифодалаб бўлмайди. Бу тарбия ишларининг ушбу йўналишини кўп қирралиги ва мураккаблигидан далолат беради. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мақсад ва вазифалари, тарбиявий жараённинг асосий йўналишларини ўзида мужассамлаштиради.

**Ҳарбий - ватанпарварлик тарбиясининг тамойиллари, шакл ва услублари.**

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг илмий асослари, унинг бирламчи мазмунини ташкил этувчи тамойиллардан ёритиб берилган. Бу тамойилларда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий қоидалари, талаблар ё уларни Ватан ҳимоясига ахлоқий-сиёсий, ҳарбий-техник ва жисмоний жиҳатдан тайёрлашнинг амалий фаолиятининг мазмуни, шакл ва услублари ўз аксини топган.

**Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий тамойиллари қуйидагилардир:**

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг илмий асосланганлиги;

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига тарихий ёндошиш;

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси назирясининг амалиёт билан узвий боғлиқлиги;

Ватанпарварлик ва байнаминал тарбиянинг бирлиги тамойили;

Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш тамойили;

Ҳар хил ёшлар гуруҳларига мувофиқ ёндошиш тамойили;

Тарбиянинг шахс хусусиятларига мувофиқлиги тамойили;

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг ҳақиқий хизмат шароитларига мувофиқлиги тамойили.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг илмий асосланганлиги тамойили, унинг услубий ва мафкуравий асослари илмий жиҳатдан

асосланганлигини ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси жараёнидаги ҳар қандай ўзгаришлар, фактлар, ҳолатлар таҳлил этилиб, ҳар томонлама очиб берилишини назарда тутди.

Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси миллий мафкурага асосланиб, жанговар ҳужумкор хусусиятларга эга бўлиши, ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш борасида учраётган барча камчиликларни қатъий очиб ташлаши ва уларни тузатиш тадбирларини ишлаб чиқиши керак.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига тарихий ёндошиш тамойили, аввало, бу тарбия мазмуни, унинг шакл ва услублари кечаётган тарихий вазиятга мослашиши керак, деган мазмунни ифода этади. Бу ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ўзбек халқининг ўтмишдаги жанговар ва меҳнат анъаналарига ва ҳозирги даврдаги мустақил суверен, иқтисодиёт жиҳатдан ривожланган, халқаро миқёсда ўз ўрнига эга бўлган, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратаётган халқимизнинг қаҳрамонона меҳнатларига таяниб, улар асосида олиб борилишини назарда тутди.

Амур Темур, Бобур каби доно ҳукмдорлар ҳокимиятни бошқарган замонларда ўзбек давлатчилигининг, цивилизациясининг энг гуллаб яшнаган ва энг юқори даражага кўтарилган даврлари бўлган. Бундай буюк кишилар ҳукмронлик қилган ерларда ҳунармандчилик, илм фан ва санъат гуллаб яшнаган. Худди шу даврларда халқимизнинг ҳарбий санъати ҳам ўзининг энг юксак даражаларига етган. Биз Амир Темур ва Бобур каби буюк саркардаларимизнинг мустақил, қудратли давлат тузилиши учун олиб борган қаҳрамонона курашларини биламиз ва улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Хулоса шуки, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси жараёнида, ёшлар ўз Ватанлари ва халқининг ўтмиши нақадар буюк бўлганлигини яхши билиб ва тушуниб олишлари керак, биз келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, ўлкамизнинг ана шу буюк ўтмиши бизга катта ишонч, интилиш, қобилият ва куч-қувват бахш этади.



Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси назариясининг амалиёт билан боғлиқлиги тамойили, тарбия жараёнида ўзининг муҳим ўрнига эгадир.

Бу тамойил ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини Ўзбекистон халқи ҳар бир тарихий вазиятда яшётган, амалга ошираётган вазифаларига ёндоштиришни назарда тутди. Ёшларга халқимиз, жамиятимиз тараққиётини юксалтириш борасида олиб бораётган ишлар, бўлаётган улкан ўзгаришлар натижалари ва қурилиш жараёнида учраётган камчиликлар ҳақида тўла маълумот бериш, уларни халқимиз амалга ошираётган тарихий, оламшумул меҳнат жараёнига жалб қилишда жуда муҳимдир.

Ватанпарварлик ва байналминал тарбиянинг бирлиги тамойили-бу ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг яна бир муҳим тамойилларидан биридир. Ватанпарварлик тарбияси - бу ёшларни, халқимиз қахрамона ўтмишини, улуғ аجدодларимиз ва халқимизнинг буюк саркардалари, жасур ўғлонлари қахрамонликлари ва улар ҳаётига таяниб, уларда Ватанга чексиз муҳаббат, Она юрт душманларига нафрат руҳида тарбиялашни, ўз президенти ва халқига ҳамиша садоқатли бўлиб қолиш каби хусусиятларни шакллантириш демакдир.

Байналмилал тарбия - бу ўзга халқлар ва уларнинг тили ва маданиятини ҳурмат қилиш, ҳамдўстлик давлатлари халқлари, уларнинг ёшлари билан ўзаро дўстона алоқада бўлиш ва ҳамжиҳатликда, тинч-тотувликда яшаш, умумий мақсадлар сари бирга курашиш каби хислатларга ўргатиш ва йўналтириш деган мазмунни англатади.

Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш тамойили - бу ҳарбий иш, ҳарбий хизмат ва ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар жамоавий хусусиятга эга эканлигини назарда тутди. Чунки, ҳозирги даврда мураккаб қурол-яроғлар, замонавий жанговар техникалар, ҳарбий жамоалар - экипажлар, бўлимлар томонидан бошқарилади. Бу вазият ўз-ўзидан бу жамоада ўзаро ҳамкорлик, бир-бирларини тушуниш, бир-бирларига ёрдам бериш каби муносабатларни талаб этади. Бундай муносабатларнинг

бўлиши, ҳарбий жамоанинг ҳар қандай вазиятда ҳам аниқ ва тезкор равишда ҳаракат қилишларига имкон яратади.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг ҳар хил ёшлар гуруҳларига мувофиқ ёндошиш тамойили, аввало, бу ёшлар гуруҳлари билан, уларни қизиқиши ва интилишларини, ҳаётда эгаллаган мавқелари ва уларни эзгу-ният, мақсадларини инобатга олиб, тарбия ишларини олиб боришни тақозо этади.

Бизга маълумки, ёшлардаги улғайишнинг ҳар бир даврида, улар учун қизиқиш уйғотувчи ва уларнинг ҳаракатини, интилишини маълум бир йўналишларга йўналтирувчи омиллар мавжуд бўлади.

Ҳарбий - ватанпарварлик тарбияси жараёни мана шу омилларни ҳисобга олиб, ўз ишларини амалга оширган ҳолдагина, кўзланган натижаларига эришиши мумкин.

Тарбиянинг шахс хусусиятларига мувофиқлиги тамойили, яна бир муҳим тамойиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу тамойил Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари ва бошқа ўқитувчилар томонидан ҳар бир ўқувчининг шахсий сифатлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга тартибли ёндошишни назарда тутаяди. Бу ерда ўқувчиларнинг қобилиятларини, қизиқиш ва интилишларини, уларни ижобий ва салбий одатларини ўрганиш ва улар асосида тарбия ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг яна бир муҳим тамойилларидан бири, бу - ҳарбий- ватанпарварлик тарбиясини ҳақиқий ҳарбий хизмат шароитларига мувофиқлиги тамойилидир. Бу тамойил Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбаридан, ҳарбий иш ва ҳарбий хизмат асосларидаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишни, янги жанговар техника ва қуролларни билишни, Қуролли Кучлар тузилишидаги ўзгаришлар ва қўшинлардаги таълим ва тарбия жараёнидаги илғор шакл ва услублар асосида иш юритишни талаб этади. Бўлғуси Ватан ҳимоячиларини

ҳарбий хизмат даврида зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларга ўргатиш катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида келтириб ўтилган ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий тамойиллари, бир-бирлари билан узвий боғлиқликда бўлиб, улар доимо бир-бирларини тўлдириб турадилар. Шунинг учун ҳам ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси жараёнини ана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва ташкиллаш мақсадга мувофиқдир.

### **Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг шакл ва услублари.**

Ўқувчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ишларида тарбия, оммавий ташвиқот ишларининг кенг шакл ва услублари қўлланилади.

Тарбиявий ишларнинг шакллари деганда, у ёки бу тарбиявий мақсадга эришишга йўналтирилган, ўқувчиларнинг жамоавий ва яқка тартибдаги фаолиятларини ташкиллаш услублари тушунилади.

### **Бундай шаклларга қуйидагилар киради:**

маърузалар; докладлар; суҳбатлар; ҳикоялар; тематик кечалар; йиғилишлар; мажлислар; саёҳат ва экскурсиялар уюштириш; жасорат дарслари; ҳарбий- спорт байрамлари;

«Шунқорлар» ҳарбий- спорт ўйинлари.

Тарбиянинг услуби дейилганда, ўқувчиларда аниқ бир тарбиявий сифатларни шакиллантиришга йўналтирилган педагогик таъсирнинг усул ва услубларининг йиғиндиси тушунилади.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясида тарбиянинг умумий услублари кенг қўлланилади. Ўқувчиларнинг ҳарбий - ватанпарварлик тарбиясида ўрнатилган, ишонтириш, машқ, рағбатлантириш, тақдирлаш ва мажбурлаш каби услублар фойдаланилади.

Тарбия услублари ўз хусусиятлари бўйича ўргатиш, ривожлантириш, шунингдек, тарбиялаш вазифаларини ҳам бажаради.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари дастур бўйича машғулотлар учун зарур бўлган услубларни танлайди, бу услублар кўзланган тарбия ва ўқув мақсадларига эришишни таъминлаши лозим.

Қуйида, биз харбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий услубларини кўриб чиқамиз:

Ишонтириш услуби -ўқувчиларда кенг дунё қарашни, ватанпарварлик туйғуларини, асосий сифатларини шакллантирувчи ва уларни ривожлантирувчи асосий услубдир. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари бу услуб ёрдамида ўқувчиларнинг онги, туйғулари ва иродаларига бевосита таъсир этиб, уларни аниқ мақсадлар сари йўналтиради.

**Ўрнак услуби** - бу услуб асосида, аввало инсонларнинг ижобий образларига тақлид қилиш, уларга эргашиш каби онгли интилишлари ётади. Ўқувчиларга аجدодларимизнинг қахрамонона ўтмишлари, уларни жасурликлари ва бугунги кундаги Қуролли Кучларимиз сафидаги фидоий офицер ва аскарларнинг жасоратлари ҳақидаги ҳикоялар чуқур таъсир этади. Улар бу қахрамонлар ҳаётидан фахрланадилар, улардан ўрнак олишга интиладилар, уларнинг ҳаёт йўлларини ўрганиб, уларга ўхшашга ҳаракат қиладилар.

Ўқувчиларнинг ҳаракатлари ва юриш туришларини фаоллаштириш учун рағбатлантириш услублари қўлланилади. Буларга қуйидагилар киради:

рағбатлантириш услуби;

мажбурлаш услуби;

**Рағбатлантириш услуби** - ўқувчилардаги ижобий қизиқиш ва интилишларни, уларда ўзига бўлган ишонч туйғуларини ривожлантириш ва эришилган натижаларига маъсулият ҳисси, янги мувафқиятларга интилишлар каби хислатларни шакллантириш учун қўлланилади. Рағбатлантириш шакллари бўлиб, бу ерда мақтов, миннатдорчилик, мукофот, фахрий тахтачага ўқувчининг суратини жойлаштириш ва бошқалар бўлиши мумкин.

**Мажбурлаш услуби** - тарбиявий мақсадларда, агар ўқувчининг ҳаракати ва юриш туришлари жамиятда қабул қилинган умумий ахлоқ нормаларига зид келса, шунингдек, унга қўйилаётган талабларни

бажармаса, уларни бажариш унда хошиш истакларни ҳосил қилиш учун қўлланилади. Ўқувчига мўлжалланаётган ҳар бир жазо ёки мажбурлаш, ишонтириш услуби билан биргаликда бўлиши ва унинг асосида қўлланилиши керак.

Мажбурлаш услуби - бу услуб қачонки, барча услублар ва чоралар қўлланилиб, улар кутилган натижаларни бермаган вазиятлардагина қўлланилиши мумкин.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг шакл ва услубларини, улардан фойдаланиш тартиб қоидаларини чуқур билиш, Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбарига ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ва оммавий-мудофаа ишларини пухта режалаштириш ва ташкиллашга имкон яратади.

Бизга маълумки, ёшлардаги улғайишнинг ҳар бир даврида, улар учун қизиқиш уйғотувчи ва уларнинг ҳаракатини, интилишини маълум бир йўналишларга йўналтирувчи омиллар мавжуд бўлади.

Ҳарбий- ватанпарварлик тарбияси жараёни мана шу омилларни ҳисобга олиб, ўз ишларини амалга оширган ҳолдагина, кўзланган натижаларига эришиши мумкин.

Тарбиянинг шахс хусусиятларига мувофиқлиги тамойили, яна бир муҳим тамойиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу тамойил Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари ва бошқа ўқитувчилар томонидан ҳар бир ўқувчининг шахсий сифатлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга тартибли ёндошишни назарда тутди. Бу ерда ўқувчиларнинг қобилиятларини, қизиқиш ва интилишларини, уларни ижобий ва салбий одатларини ўрганиш ва улар асосида тарбия ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг яна бир муҳим тамойилларидан бири, бу - ҳарбий - ватанпарварлик тарбиясини ҳақиқий ҳарбий хизмат шароитларига мувофиқлиги тамойилидир. Бу тамойил Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбаридан, ҳарбий иш ва ҳарбий хизмат асосларидаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишни, янги

жанговар техника ва қуролларни билишни, Қуролли Кучлар тузилишидаги ўзгаришлар ва кўшинлардаги таълим ва тарбия жараёнидаги илғор шакл ва услублар асосида иш юритишни талаб этади. Бўлғуси Ватан химоячиларини ҳарбий хизмат даврида зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларга ўргатиш катта аҳамиятга эгадир.

### **1.3. Таълим муассасаларида ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг мавжуд ахволи**

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини кўришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига кўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади.

#### **Ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятлар.**

Ахборот соҳасидаги жиноятлар сирасига зарар етказувчи вирусларни тарқатиш, паролларни бузиб кириш, кредит карта рақамини ва банк реквизитларини ўғрилаш, бўҳтон, тўхматдан иборат ахборотларни, порнографик материалларни, миллатлараро, динлараро душманлик уруғини сочишга қаратилган маълумотларни интернет орқали тарқатиш киради. Шаклланиб бораётган, дунё хавфсизлигига жиддий таҳдидларни солаётган хавфнинг кўламини англагандирсиз энди.

1989 йил. NASA (АҚШ миллий космик агентлиги) космик дастурига тармоқ вируси тушди. Номалум кимса, яъни кибержиноятчи агентлик компьютер тармоғига унинг дастурини тўхтатиб қуйишга қодир WANK деб номланган вирус юборади. Вазият ўшанда шу қадар чигаллашадики, ҳатто бир неста сунъий йўлдошни учуриш кечиктирилади. Ҳа, бу жиноят «муаллифлари» топилмаган бўлса-да анча шов-шувга сабаб бўлди. Негаки, NASA компьютер тизими мустаҳкам, даҳлсиз, деб ҳисоблаб

келинаётгандида. Энг ёмони таҳдид солган ива моддий, маънавий зарар етказгани бўлди.

Буни қарангки, 2001 йилда NASA компьютер тизимида 17 ёшли Грегори Аарон Хёрнс исмли хакер интернет тармоғидан кўчириб олган фильмларини жойлаштирди. Хакернинг бу ҳазилими ёки чиними, ҳулас қимматга тушди.

Орадан 4 йил ўтгачгина, хакер олти ойга озодликдан маҳрум этилиб, етказилган зарарни қоплашга ҳукм қилинди.

### **Интернет тролли**

Энди танганинг иккинчи томонига назар солсак. Европа Иттифоқига аъзо барча мамлакатларнинг 10 мингга яқин мактаб ўқувчилари ўртасида сўровнома ўтказилган. 9 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар иштирок этган сўровномада уларнинг 22 фоизи порнография акс этган контентлар хавотир уйғотишини айтишган. 18 фоизи эса зўравонлик ва ваҳшийлик, шу жумладан ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик акс этган тасвирлар маъқул келмаётганидан нолишган. 13 фоиз ўсмирни ўзлари хоҳламаган мулоқот ташвишга соларкан. 19 фоизи уларнинг номидан кимдир турли маълумотларни тарқатишдан кўрқисини билдирган. Бу сўровномадан ҳам ижтимоий тармоқнинг хавфи, таҳдидлари билан боғлиқ томонлари кўриниб турибди.

Фарзандларнинг хавфни сезгани яхши Аммо ота-она эътиборидан, назоратидан четда қолиб кетадиган айрим болалар ҳақида бундай ҳулоса чиқариб бўлмайди-да. Оқибатда оқу қорани танимаган фарзандлар глобал тармоқлардаги ёвуз кучлар, жиноятчи, фрибгарлар таъсирига тушиб қолишади. Виртуал дўст ниқоби остида ким яширинганини билмай уларнинг ўлжасига айланишади.

### **Мактабдаги отилган ўқ.**

2014 йилнинг 25 октябри. АҚШнинг Сиэтлидан шимол томонда жойлашган Мэрисвилл шаҳри мактаби. Полиция маълумотида кўра таълим муассасасида отишма бўлган. Бир нафар ўқвчи ҳалок бўлган, тўрт нафари

яраланган. Ўқотар қуролда мактаб ўқувчиси Жейлин Фрайберг тенгдошларнига қарата ўт очган. Сўнгра ўзини ўзи отиб ўлдирган. Интернет орқали бу хабарни ўқиб, эгим жунжикиб кетди. Фожианинг сабабини ҳам ёзишибди. Йигитча тенгдошлари томонидан камситилганмиш. Яна бир сабаб-синфдош қизга муҳаббати. Шу аризамга сабаблар нафрати косасини тўлдириб юборганига ишонмадим. Ҳаловатимни йўқотдим. Инсоният қаерга қараб кетяпти? Гуноҳ, савоб тушунчалари кадрсизланиптими? Инсоний фазилатлар наҳотки ёвузлик олдида моҳияти, рангини йўқотмоқда. Ёш вужуддаги бунчалар тажовузкорлик қаердан? Билим, зиё масканида, эзгулик уруғи қалбларга экиладиган жойда қон тўкиш, устозига қурол ўқталиш, одам ўлдириш. Йўқ асл сабаб бошқа ёқда. 2014 йилнинг 20 марти «РИА Новости» шундай хабар тарқатган. Нью-Йоркнинг Бруклин туманида автобус ичида 14 ёшли ўсмир ўқотар қуролдан ажал уруғини сочган. Нафратига дучор бўлган кимсанинг ўрнига 39 ёшли Энжел Рожасни бошидан яралаган. Жабрдийда воқеа жойида ҳалок бўлган. Москвада Сергей Гордеев деган ўқувчи мактабга қурол кўтариб келиб, баҳосини пасайтиргани учун ўқитувчисини отиб ўлдиради. Сўнгра полициячи ҳам унинг қурбонига айланади.

АҚШ федерал қидирув бюроси маърузасида келтирилишича, 2000-2003 йиллар оралиғида мамлакат ҳудудида ўқотар қуроллардан фуқароларга қарата ўт очиш билан боғлиқ 160 та кўнгилсиз ҳодиса қайд қилинган. Оқибатда 1043 киши ҳаётдан кўз юмуб, 557 нафари турли даражада яраланган. Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг тўртдан бири таълим муассасаларида содир этилган.

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти қошидаги Юнусобод академик лицейида 2016 йил 1 ноябрь куни соат тахминан 08:25 лар атрофида академик лицей ўқувчилари вояга етмаган 1999 йилда туғилган Шокиров Рустам Жамшидович, 1999 йилда туғилган Шодмонов Алишер Хайрулло ўғли ва бошқалар ўртасида жанжалли ҳолат келиб чиққан бўлиб натижада Р.Шокиров ва А.Шодмоновлар тан жароҳати олишган. Ушбу



холат юзасидан Юнусобод тумани ИИБ га хабар берилиб профилактика инспектори олиб борган суриштирув ишларида аниқланишича, улрнинг ўртасидаги ўзаро хурматсизлик, кибр-хавога берилганликлари, академик лицей ички тартиб қоидаларига риоя этмасликлари, гуруҳ-гуруҳга бўлиниб карама қаршилиқлар келиб чиққанлиги аниқланди. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқий онгни ошириш мақсадида академик лицейда ўқитувчилар билан биргаликда давра суҳбатлари ташкил этиш, ўқувчиларга қонунбузарлик содир этилиши натижасида маъмурий ва жиноий жазолар муқаррарлиги, бунинг оқибатида уларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатиши тушунтириш лозимлигини таъкидлаб ўтилган.

**Ўрта махсус касб-хунар таълими ўқув муассасалари ўқувчиларида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш муаммолари.**

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёти тобора юксак, унинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро алоқалари мустаҳкамланиб, обрў-эътибори янада ортиб бормоқда.

Бу эса, давлатнинг ижтимоий – сиёсий тузуми ва анъаналари ҳисобга олинган ҳолда танланган ва бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган Ўзбекистон тараққиёти моделининг нақадар тўғри, беҳато эканлигининг далолатидир.

Халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва маданияти, замонавий технология, фан ва техника ютуқлари асосида мутахасис кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини амалга ошириш мамлакат ривожининг муҳим шarti эканлиги барчамизга аёнди.

Мазкур тизим энг аввало ўз касбини севадиган, профессионал назарий, фундаментал билимларни пухта эгаллаган ҳозирги замон мутахасисларининг янги бўғинини шакллантириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб,

одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириш мумкин эмас. Таълим тизимини ислоҳ этиш вазифалари мувофақиятли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди. Жамиятни янгилаш, эркин демократик давлатни шакллантириш, тараққиёти ва равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни биз айнан мана шу асосида ташкил этишимиз керак».

Бугунги кунда истиқлолимизни мустаҳкамлаш талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган фан ва маданиятнинг халқаро андозаларига муносиб, айна вақтда юрт ва халқ учун фидойи мутахасис кадрлар тизимини шакллантириш ва камол топтириш вазифаси касб-ҳунар таълим ходимларининг ҳар бирига жуда катта маъсулият юклайди. Зеро истиқлолимизнинг истиқболи ана шу камол топиб бораётган ёш авлодга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Мамлакатимиз ривожини таъминлашда касб-ҳунар коллежларининг ўрни бениҳоя катта, ваҳоланки, илгариги тузумда билим даражаси ўртача бўлган ўқитувчиларга мўлжалланган дастурлар асосида ўқув жараёни ташкил этилиб, маълум бир мутахасислик бўйича ишчи кадрлар тайёрланган холос. Ҳозирги босқичда эса зарур мутахасислик билан бир қаторда чуқур маънавий-сиёсий тарбияланиб, ёт-бегона ғояларга, мафкурага, эркин ва мустақил фикрлари билан муносиб жавоб бера олишга қодир ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Мамлакатимиз истиқболи порлоқ бўлиши учун фақат замонавий мутахасисларгина эмас, балки «Элим-юртим» деб ёниб яшайдиган, чуқур маънавий-сиёсий тарбияланиб чиниққан етук кадрлар зарур. Демак, таълим-тарбия тизимида миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришда ижтимоий – сиёсий, маънавий-маърифий фанларга алоҳида эътиборни қаратиш лозимдир.

Касб-ҳунар коллежларида миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси биринчи

президенти И.А.Каримов асарлари, маърузалари, суҳбатлари, оммавий ахборот воситалари вақллари саволларига жавобларини алоҳида эътиборга олиб ўрганишни ташкил этиш зарур, чунки уларда янги дунёқараш асосларини шакллантиришнинг сиёсий-мафкуравий таълимоти мазмуни ўз ифодасини топгандир.

Шу билан бирга, умумий билим асосларини бериш, ёшлар дунёқарашда миллий ғоя ва миллий мафкурани кенгайтириш, уларни замон талабларига ҳар томонлама жавоб берувчи кадрлар бўлиб етишиши учун берилган таълим тарихий, диний, айниқса миллий кадриятларимизга ҳурмат, мустақил давлатимизга содиқлик ва ифтихор туйғулари руҳидаги тарбия билан муштаракликда амалга оширилишига эришмоғимиз даркор.

Ёшларимизда касб-ҳунар коллежлари талабалари билим даражаси ўрта ва тарбияси оғир кечувчи бўлган ўқувчилардир, деган собиқ шўро таълимидан қолган фикрнинг асоссизлигини тушунтириш лозим. Ўқувчи талабаларимиз ўзлари меҳр қуйиб танлаган касблари жамият учун нечоғли зарур ва аҳамиятли эканлигига ишончларини мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун турли касб эгалари ҳақидаги бой ривоятлардан, халқ мақолларидан кенг фойдаланиш, касб ҳунари билан эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлган машҳур кишиларимиз билан тез-тез давра суҳбатлари, ўз касбининг усталари билан касб сир-асрорлари ҳақида жонли савол-жавоблар ташкил этиб бориш керак. Етук касб-ҳунар эгалари доимо халқ эътиборида ва ардоғида эканлигини англата билмоқ лозим. Ҳаётда сўз ва иш бирлигини таъминлаш, инсонлар эшитган нарсасини кўриш, ҳаётида унга иқдор бўлиши уларга жуда катта мафкуравий куч ва қудрат бағишлайди. Миллий ғоянинг ҳаёт билан монандлиги жамият тараққиётида улкан аҳамият касб этади.

Жамиятимизда миллий ғоя ва мафкура шаклланмоқда. Ёшларимиз онгини янги кўринишдаги ёт ғоялар билан эгаллашга бўлган ҳаракат, мафкуравий кураш кескин тарзда давом этаётганлигини бир дақиқа ҳам

унутмаслигимиз керак. Бугунги кунда миллий ғоя ва мафқурани шакллантиришнинг кўпроқ субъектив жиҳатлари алоҳида эътиборини қаратиш зарур. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек : «Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб биладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан тенгма-тенг муомала қила оладиган, оқни-қорадан, яхшини-ёмондан ажрата биладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту-баланд, тангу – тор кўчаларидан Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз». Бу ишончни амалга ошириш шу соҳанинг маъсул инсонлари фаолияти билан боғлиқ.

Миллий ғоя ва миллий мафқурани ҳар бир инсоннинг маънавий, руҳий дунёсига сингдириб, унинг қалб амрига айлантира олишга эришсаккина у Ватан, миллат манфаатига, истиқлолимиз истиқболига хизмат қилишига эришамиз.

### **Хулоса:**

Биринчи боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан мақсад, тарбиялашдаги вазифалар, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти, ватанпарварлик ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг тамойиллари, шакллари, услублари, академик лицей ва касб – ҳунар коллежларидаги ватанпарварлик тарбиясининг мавжуд (салбий, ижобий) аҳволи ҳақида етарли даражада ёртиб бердим.

## **II-БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИ ҲАЛҚИМИЗНИНГ ЖАНГОВАР ВА МЕҲНАТ АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ИШЛАРИНИНГ МЕХАНИЗМИ. (ШАКЛИ, УСЛУБИ ВА МАЗМУНИ)**

### **2.1. Анъаналар ва уларнинг асосий моҳияти ҳамда тарбиявий ишларининг замонавий шакллари ва услублари.**

#### **Ўқувчиларни тарбиялашда ўзбек халқининг жанговар ва меҳнат анъаналарининг ўрни**

Анъана – бу авлоддан-авлодга ўтиб кетаётган эътиборга лойиқ, мавжуд ижтимоий, иқтисодий муносабат, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тизими билан боғлиқ. Инсонлар онгида маълум бир давр ичида сингиб кетган ва уларнинг ҳаётда доим учраб турадиган ишлаб чиқариш усул ва услублари ҳамда устун турувчи сиёсий онглари кундан кунга ривожланиб бормоқда. Қисқа қилиб айтганда анъана – бу бир авлоддан иккинчи авлодга ўтган аввалги авлоддан мерос бўлиб қолган миллий ва умуминсоний қадриятларимиздан биридир. Ўзбек халқининг анъаналарига Ўзбекистонга, унинг ерига, табиати, инсонларига бўлган муҳаббат, Ватанимиз анъаналари, маданияти, тарихини билишга интилиш. Республикамиз эришган ютуқлари ва қудратидан фахрланиш ва бошқалар киради. Ёшларга тарбия беришда авлод - аجدодларимиз тўплаган тажрибаларига асосланган ҳолда иш олиб борилади.

Анъаналар халқнинг аниқ тарихий асоси билан белгиланади, уларни ўз - ўзидан бир халқдан олиб иккинчи халққа сингдириб бўлмайди. Ҳар бир халқнинг, бир миллатнинг ўз анъаналари мавжуддир. Уларнинг баъзиларида умумийлик ҳам бўлиши мумкин. Масалан: Жанговар анъаналар кўп давлатлар армияларида ҳарбий билимни эгаллаш, ўз касбини севиш каби меҳнат анъаналаридан иборатдир.

Шундай анъаналари ҳам борки, улар фақатгина шу халққа, миллат ёки минтақага мансубдир.

Мисолдаги ўзбек анъана ва одатларида халқ қалби ва табиати ўзининг сўнмас аксини топади: меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик, меҳрибонлик, катталарга хурмат, болажонлик, табиатни севиш ва дўстлик. Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг барча қадриятлари қайта тикланди. Шу сабабли ҳам ёшларимиз ўзлари истиқомат қилаётган юртнинг анъана ҳамда одатларини билишлари шарт. Мисол учун, ўзбекларнинг меҳмондўстлиги асосида инсонни чуқур хурмат қилиш ётибди. Уйга меҳмон келса, мезбон уйдаги бор нарсани аямайди, меҳмонлик ҳурматини бажо келтиришликни ўзининг бурчи деб билади. Ана шу фикрларга далил сифатида қуйидаги бир неча ўзбек халқ мақолларини келтиришимиз мумкин. Масалан: «Меҳмон отангдек улуғ», «Уйингда меҳмон бўлса, сен мушукни ҳам ҳайдама, меҳмон буни ўз шаънига айтилаяпти деб тушуниши мумкин», «Уйингда нонинг бўлмаса, уни ширин сўз алмаштирсин», «Меҳмонни кетмасин десанг, ошни олиб келмай тур». Чунки Ўзбекистонда ошдан олдин туриш беҳурматлиги ҳаммага маълум.

Меҳмондўстлик анъаналари - бу жамиятнинг умумий бир хусусиятидир. Бунга Иккинчи Жаҳон уруши даврида душман босиб олган ерлардан кўчириб келтирилган оилаларга кўрсатилган ёрдамни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Минглаб инсонлар бу ерда ўз тинчлигини топди, кўпчилик учун Ўзбекистон уларга Ватан бўлиб қолди. Ўзбек оилаларида ота-оналарини йўқотган болалар тарбиялана бошладилар. Пойтахтимизнинг халқлар дўстлиги майдонида темирчи Шомахмуд ота ва унинг хотини Баҳри аяга ёдгорлик ҳайкали ўрнатилган.

Ушбу ватанпарвар инсонлар ўн тўрт турли миллат болаларини фарзанд қилиб олиб, ўз бағриларида тарбияладилар.

Ўзбекистон юрти яъни халқи нонни жуда ҳам эъзозлайди ва қадрлайди. Ёшу қари ерга нон тушса дарҳол олиб, уни кўзига суртади.

Ўзбекларнинг ҳашарларичи Ўзбекистонда қадимдан ерни суғориб дехқончилик қилинади, инсонлар чўлга қарши бирлашиб меҳнат қиладилар. чунки қумли чўлни якка бўлиб енгиб бўлмайди. Табиат қийинчиликларига

қарши бирлашиб курашишни халқда жамоатчилик бўлиб, бир - бирига ўзаро ёрдам бериш кенг тус олган анъаналаридан биридир.

Ҳашар - бу жамоатчилик ишида ихтиёрий иштирок этишдек ажойиб анъана бўлиб, уй қуриш ва ҳосилни йиғиб олишда, беғараз ёрдам беришдан иборат. 1939 йили пахтани суғориш учун сув танқислиги сабабли 160 минг кўнгиллилар ҳашарда иштирок этиб, 45 кунда 270 км. лик катта Фарғона каналини барпо этдилар

Минтақамиз анъаналарига мисол қилиб Наврўз байрамини кўрсатиш мумкин. Наврўз - шарқ мамлакатларида баҳорги дала ишлари бошланиш давридир. Кўпгина ғарб давлатлари эса янги йил арафасида Рождество байрамини нишонлайдилар. Булар ҳам халқларнинг турли анъана ва одатлардан биридир.

Эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, беғуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Ана шу инсоний бурчимизни адо этиш мақсадида 2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қатоғон қилинган кишиларимизни хотирасига Шаҳидлар хотираси хиёбони ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Қатоғон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди.

Бу ишлар халқимизнинг, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг онгу шуурида тарихий адолатга ишонч ва инсонийлик фазилатларини қарор топтириш, уларнинг маънавий оламини кенгайтиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга экани билан айниқса эътиборлидир.

Маълумки, собиқ СССР даврида 9 май ҳар йили Ғалаба куни сифатида байрам қилинар, Марказда ва республикаларда дабдабали ҳарбий парадлар ўтказилар эди. Биз мазкур сананинг асл инсоний маъно-моҳияти

хамда жамоатчилигимизнинг бу борадаги таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, 9-май кунини мамлакатимизда Хотира ва кадрлаш куни сифатида нишонлашга қарор қабул қилинди.

Юзага келган ва жамиятда мустаҳкам ўрин олган анъаналар энг аввал жамиятимиз ва мавжуд тузумга сабаб бўлди. Ҳеч шубҳа йўқки ибтидоий жамоа тузумида ҳозирги даврдан фарқли ўз анъаналари ҳам турли халқларда бир хил бўлмаган. Улар халқнинг маданияти, унинг ўтмиши билан, жамият муносабатларидаги ижтимоий шарт - шароитлари билан боғлиқдир. Анъаналар ўз - ўзидан юзага келмайди, уларда доимий тус олган одатлар мустаҳкамланиб қолади, яъни улар маълум асослар негазида юзага келади.

Анъана - бу ўтмиш ва ҳозирги даврни келажак билан боғловчи бир қисмидир, Айнан улар ёрдамида ушбу тизим ижтимоий - сиёсий муносабатларини талаб этадиган керакли сифат ва тажрибаларни янги авлодга етказиш билан амалга оширилади.

### **Анъаналарнинг бир қатор аҳамияти ва аломатлари**

**1. Умумийлик.** Анъаналар ўзининг тўғрилилик ва кераклиги билан рағбатланиб ва қўллаб - қувватлашлари, унинг ёзилмаган ахлоқий қонун қоидалари сифатида тан олишга имкон беради.

**2. Мустаҳкамлик.** Анъаналар юзага келиб ва ривожланиб вақти келиб мустаҳкам жамият одатига айланади. Шундай қилиб улар ўқув, меҳнат ва ҳарбий жамоаларни жипслаштиради, Бу эса шахсни тарбиялаш жараёнини айтарли даражада енгиллаштиради.

**3. Ҳаётийлик.** Анъана - бу ўйлаб топилган тизим эмас балки ҳаётий жараён, ҳақиқат, инсонларнинг ҳаракат ва ишончида ўз аксини топган, кўпгина анъаналар ташқи кўринишдан ёрқин ва тантанаворли, чиройи билан камраб олинган. Улар кўпинча безаклар, хаяжонли - завқли ҳамда таъсирли маросим сифатида ўтказилади.



**4. Абдийлик.** Гўзал, бой ижтимоий кадриятларни, анъаналарни, ўзининг қадимий мазмунини йўқотган ёки ўзгарган ҳолда ҳам давом этиши яъни хотирада сақланиши, ўтмиш қаҳрамонликларини абадий асраш- абадийлик дейилади.

**5. Ворислик.** Бизнинг анъаналаримизда ҳар бир ватанпарвар учун кадрли бўлган туйғуларни давом эттириш. Мустақил Ўзбекистон Республикасида янги жамият қуришида янгича анъаналарни шакллантириш. Бунда улуғ халқимиз, унинг ёш авлодлари тарих билан доимий равишда ҳаётий алоқани ҳис қилиши, ўз муқаддас анъаналарини бугунги кунда давом эттирилиши, ушбу анъаналар халқимизнинг фахри ва шуҳрати эканлигини тўлиқ ҳис қилиб, англаб етмоқликлари зарурдир.

## **2.2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги жанговар анъаналари. Уларнинг ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва хизмат фаолиятидаги ўрни.**

Армия ва флотларда жангчиларни жангга чорловчи, ҳарбий хизматни ўташда пайдо бўлувчи ва авлоддан авлодга узатилувчи жанговар анъаналар асосида Ватанга бўлган муҳаббат, уни ҳимоя қилишга доимий тайёргарлик. Ҳарбий қасамёдга, жанговар байроққа, жанговар дўстликка содиқлик, командирни ҳурмат қилиш, уни жангда ҳимоя қилиш, жангда зийраклик ва душманларга бешафқат бўлиш ғоялари ётади.

Ушбу анъаналарнинг моҳияти ва мазмунини кўриб чиқамиз:

**Ватанга муҳаббат, уни ҳимоя этишга доимий тайёргарлик.**

Ватанга садоқат – тарихий анъана бўлиб, ҳар бир ижтимоий этник формацияларда жамият онгида яшаган. Тарихий номлар бўлишида Тумарис (Кир II), Широқ, Спитамен, Муқанна, Амир Темурни келтириш мумкин.

Тошкент, Фарғона, Жиззах кўзғолонлари Ўзбекистонликларнинг иккинчи Жаҳон уруши фронтларида фашистларга қарши жангларда қаҳрамонликлар кўрсатиши, фронт орти қаҳрамонликлари. Инсонларнинг ўзи ночор бўлсаларда эвакуация қилинганларни ўз оиласига қабул қилиши;

Ўзлари оч бўлсада охирги тишлам нонларини дўстона бўлиб ейишлари – Ўзбекистон яна бир бор халқпарвар эканлигидан далолат беради.

Фронгда ва фронт орқасида жасорат ҳамда мардликлари учун минглаб ватандошларимиз орден, медаллар билан тақдирландилар. Мустақилликка эришган кунимиздан бошлаб давлатимизнинг шу каби анъаналари янги мазмунга эга бўлган ҳолда қайта тикланди. Давлатимиз ўз Байроғи, Герби ва Мадҳиясига эга бўлди. Мустақилликка эришиш билан халқимиз аввал эга бўлган анъаналарини миллий қадрият сифатида тиклай бориши ҳам муқаддас ишдир.

«Ерга, Ватанга муҳаббат – муқаддас туйғулардир – улар халқимиз миллий характерининг муҳим хусусиятидир».

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов Олий Мажлис I сессиясида халқимизнинг юксак туйғулари ҳақида алоҳида сўзлаб ўтди.

### **Жанговор байроққа содиқлик**

Қадимдан жанговар байроқ жангчиларини жанга чорловчи рамз сифатида қўйилган. Қадимда байроқ узун ёғоч учига ўт боғламидан иборат бўлган ёки отнинг ёли учига боғланган. Кейинроқ эса уни матонинг бир бўлагига алмаштирилган.

Қадимдан байроқ жанговор рамзга айланган. Жанговор Байроқ остида жанговор қасамёд қабул қилинган. Жанговор Байроққа содиқлик улуғ анъанадир. У қадим манбааларга эга. Байроқ – муқаддасдир.

Уруш йилларида уни кўз қорачиғидек, энг улуғ, қимматбаҳо мулкдек авайлаб-асрашган. Қуролли Кучларнинг жанговор Байроғи Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмлари ҳолатини кўрсатади.

Ҳарбий қисмнинг жанговар байроғи шон - шухратининг рамзидир.

**Ҳарбий қасамёдга содиқлик. Ҳарбий қасамёд – бу жангчининг Ватанга содиқликка берган қасамёдидир.**

**Ҳарбий қасамёднинг янги таҳририда шундай дейилади:**

Мен Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирар эканман, халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан. Мен Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, командирлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий низомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қиламан.

Сўнги нафасим қолгунча она–Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққат ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аجدодларим руҳи олдида қасамёд қиламан.

Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан.

Агар мен ушбу тантанали қасамёдимни бузсам, қонунларда белгиланган жазога ва халқнинг нафратига мубтало бўлай.

Ҳарбий қасамёд давлат миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. У Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан (ҳозирги даврда Олий Мажлис) 1992 йил 3 июлда тасдиқланган ва қонун кучига эга, Унда Қуролли Кучлар жангчиларига Президент, ҳукумат ва халқ талаблари баён этилган. Унда Қуролли Кучларда хизмат қилишнинг асосий мажбуриятлари белгилаб берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги жангчининг Ватан ҳимояси учун эгаллаши шарт бўлган асосий сифатлари белгилаб қўйилган

Қасамёдни қабул қилиш юқори даражада ватанпарварлик ҳужжатиدير. Жангчи қасамёдни ўз имзоси билан мустаҳкамлайди. Жангчи ҳаёти ва хизматида қасамёд бузилмас қонун бўлиб ҳисобланади. Аскар учун

қасамёд муқаддасдир. Қасамёдни ёд олган жангчи ёш жангчи курсини ўтаганидан сўнг қабул қилади. Ушбу қасамёдни қабул қилиш куни – дам олиш куни бўлиб, ҳарбий қисм учун бу катта бир тантана яъни байрамдир.

Улуғ аждодларимиз бизнинг ота – боболаримиз тажрибасидан маълумки, берилган сўзга содиқлик ҳақиқий эркаклар Ватанпарварлар учун ўзига хос булган хусусиятларидан биридир.

### **Жанговор дўстлик.**

**Жанговор дўстлик** – бу жанговор анъаналаридан бири бўлиб бизга қадим асрлардан етиб келган. У мустақиллик учун кураш майдонларида туғилди ва мустақамланди. Ватанни миллий манфаати учун хизмат қилди. Дўстлик ва ўзаро ёрдам олдиндан юқори баҳоланган. Буюк саркарда Амир Темур ўз жангчиларига «ўзинг қурбон бўлсанг ҳам, дўстингни асра», - деб кўрсатма берган. Бу чақириқ ўша даврда ҳам, бир неча асрлардан сўнг ҳам шиор бўлиб, Ватан ҳимоячиларини руҳлантиради. Ўз таналари билан душман ўқидан дўстларини ҳимоя қилган Тоштемир Рустамов, Тўйчи Эрайитов каби юзлаб аскарлар ўз шахсий шуҳратини ўйламай Ватан учун жон фидо қилганлар. Душман танки остига граната ташланганда, учувчилар ҳаво ҳужумига ўтганда ўзларининг шахсий манфаатларини яъни шуҳратиини ўйламаганлар дўстларига ёрдамга келиш, уларга ҳар қандай шароитда ўз жонларини аямаган ҳолда ёрдам қўлини чўзиш ҳам йиллардан йилларга ўтиб, ҳозиргача сақланиб келаётган анъанадир. Бу анъана ҳозирда маънавий жиҳатдан бойиб, янги мано касб этмоқда. Оддий аскар Ўрмонов навбатчи бўлиб турганида ўз дўстларининг ҳаётини сақлаб қолишга муяссар бўлган. Аммо ўзи қурбон бўлган.

### **Командирга ҳурмат ва уни жангда ҳимоя қилиш.**

Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг содиқ ўғлонлари бўлмиш командирлар халқимизнинг муносиб ҳимоячиларидир. Улар армия ва халқимиз фахридирлар. Аскар ва матросларимизнинг бир – бирларига

хамда хизматдош бўлинмаларда командирларнинг аҳамияти каттадир. Уларнинг ҳар бири учун она – Ватан. Ота – халқдир. Зобитлар халқ муҳаббатига сазовордирлар. Биз ҳозирга қадар жанговор ишларини фахр билан тилга оламиз. Улар шахсида халқимизнинг энг яхши анъаналари давом эттирилади. Бундай инсонлар юқори даражада ватанпарварлик, қалб кенглиги, мард ва исталган вазиятларда инсонларга муҳаббат ва қўл остидагиларга юксак талабчанлик ва бошқа хислатларига эгадирлар. Панфилов дивизиясининг қаҳрамонлиги, Тошкент ҳарбий ўқув юртининг битирувчилари бўлмиш 180 нафар зобитлар қаҳрамонликлари ҳаммага аён. Дивизия полковниги Гурьев аскарларга қарата «Нега сиз ўзингизнинг ҳаётингизни хавф остида қолдириб, мени снарядлар портлашидан сақлаб қолдингиз» - деб сўраганида аскарлар «Онасиз асалари оиласи – оила эмас» - деб жавоб берадилар.

### **Юқори даражада зийраклик душманга қарши аёвсиз нафрат**

1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримовга суиқасд уюштиришга уриниш бўлганди. Шаҳарнинг 6 жойида портлаш юз берганди. «Террористларнинг мақсади тинчликни бузиш, аҳоли юрагига дахшат ва кўрқув солиш, сиёсатимиз, олиб бораётган ишларимизга бўлган ишончни йўқотиш, шу билан бирга Ўзбекистон халқини ўз танлаган йўлидан қайтариш эди».

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти бизнинг ватандошларни шу воқеадан зарур бўлган хулосаларни чиқариб, янада хушёр ҳамда зийракроқ бўлишга чақирди. Бугунги кунга келиб армиянинг жанговор анъаналари ҳам ўз ифодасини топмоқда. У жангчиларимиз ишларини, маросим ва одатлари, хулқ-атвори меъёрларида давом этмоқда. Жанговор анъаналар фақатгина жангчилар дунёқарашинг бир бўлаги бўлибгина қолмай, ҳарбий музейлар кўргазмалари, шон-шуҳрат бурчаклари (хоналари), ҳарбий қисм тарихи, мемориалларда давом этиб келмоқда.

Бугунги кунда янги – янги анъаналар ҳам вужудга келмоқда. Улар маросимлар, қисм кунларининг нишонланиши, ўқиш аълочиларига жанговар техника ва қуролларнинг топширилиши ҳамда бошқалардир. Ёшлар сиёсий жихатдан ҳам зийрак бўлишга тайёрланадилар ва она Ватанимизни ҳимоя қилишга, жанговар анъаналарини давом эттиришга ўрганиб борадилар. Ўзбекистонда меҳнат анъаналари сафида танланган касбига меҳр қўйиш, меҳнатга маъсулиятли муносабатда бўлиш, ўз ишини аъло даражада билим, юқори даражада ўз касбини эгаллаш, ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулотининг сифатлилигини таъминлаш ва бошқалар бор. Ота-боболаримизнинг бизга мерос бўлиб қолган анъаналарни давом эттириш билан бирга ёшларимиз уларга янгича мазмун киритиб бормоқдалар. Чунки ҳеч бир фарзанд фақатгина ота-бобосининг аниқ нухасигина бўла олмайди. Ёш авлод ўз аجدодлари тўпланган қадриятсиз ўз ишини давом эттира олмайди.

Ўтмиш тажрибаларини билиш – ёш авлодни олдинга ҳаракат қилишга

ундайди.

Жанговар ва меҳнат анъаналарининг тарбиявий таъсири, уларнинг ишончли мисоллари билан тасдиқланади. Улар ёшларни аввалги авлод йўлидан боришга ундайди. Уларнинг қилган шонли ишларини давом эттиришга чорлайди.

Инсонлар тинч меҳнат қилишлари учун ҳимояда туришлари шарт. Анъаналаримизга ишонч пайдо бўлиши ҳам катта аҳамият касб этади. Ўтмишнинг шон – шуҳратини билишда, ҳаётини ва ижтимоий тажрибага эга бўлмаган ёшларга Ўзбекистоннинг шонли ўтмиши ҳақида тўғри таассуротга эга бўлишга ёрдам беради. Ўтмишдаги қийинчиликлар ёшларда Ватанга садоқатли бўлиш, унинг ҳарбий қудратини мустаҳкамлашда ўз иродаси ва куч -қувватини аямасликка қарата тарбиялайди.

**Ҳарбий ва меҳнат анъаналари асосида тарбиялашнинг шакли ва усуллари. Ёшларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларга бўлган меҳр-муҳаббатни уйғотиш.**

Ёшларни ҳарбий ва меҳнат анъаналари асосида тўғри тарбиялашнинг шакли ва усуллари турлича бўлиши мумкин. Шакл ва усулнинг турлича бўлиши билан бирга умумийлик ҳам бор. Улар ичида энг кўп яъни кенг тарқалганлари қуйидагилардан иборатдир:

- 1). Армияга бағишланган шонли саналарга таалуқли турли кечаларни ўтказиш.
- 2). Ҳарбий ва меҳнат шон-шухратига сазовор бўлган жойларга саёҳатлар уюштириш.
- 3). Ҳарбий қисм, мемориаллар ҳамда биродарлик қабрларини зиёрат қилиш.
- 4). Кинофильмлар намойиш этиш ва уларни таҳлил қилиш.
- 5). Жамоатчилик тарзида бадиий китобларни таҳлил қилиш.
- 6). Ҳарбий спорт ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш.
- 7). Уруш ва меҳнат фахрийлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан турли учрашувлар ўтказиш.
- 8). Музей, театр ва кинога маданий саёҳат қилиш.
- 9). Ўзбекистон Қуролли Кучларининг тарихини ўрганиш.
- 10). Уруш ва меҳнат фахрийларини оталиққа олиш ҳамда ногирон инсонларга ёрдам кўрсатиш.

Кечалар одатда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига ёки Қуролли Кучларни Ватанни ҳимоя қилиш қунига бағишланган холда ойлик, ҳафталиклар ҳарбий оммавий тарзда тузилади. Шунингдек, ёшларни армия хизматида жўнатишда, ҳарбий ўқув юртини тугатишда, ҳарбий спорт ўйинларининг чемпионлари шарафига бағишланган кечалар ўтказилади.

«Хотирасиз келажак йўқ» - деган эди Республикамиз биринчи Президенти Ислам Каримов, «Ким ўзининг авлод аждодларини хотираламас

экан, у инсон деб аталиши мумкин эмас», - деган фикрларини билдирадилар.

Ўқувчиларни тарбиялаш шаклининг энг самаралиси. жанговар анъаналар ҳақидаги, ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги фильмларни кўриш яхши натижа беради. Ҳозирги даврда ўқувчилар орасида «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйини – Мудофаа вазирлиги, «Камолот», «Нуроний» жамғармалари билан биргаликда ўтказилмоқда. «Амир Темур авлодлари» ҳарбий спорт ўйинлари турли ҳарбий лицейлар ўртасида кенг тарқалган. Тарихни чуқур ўрганиш мақсадида музей ва ҳар хил ёдгорликларни зиёрат қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ёш авлод фаҳр билан Амир Темур хайкалини томоша қилар экан унинг «Куч адолатдадир» деган шиорини ёд оладилар.

Шундай анъаналаримизнинг ўтказилиши ёшларимизни бизнинг миллий ҳамда умуминсоний кадриятларимизга бўлган қизиқишини тобора ортириб боради.

Келажаги буюк давлатни қуришда (Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказишдаги ИА.Каримовнинг сўзлари) улуғ алломаларимиз А.Р. Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Аҳмад Ал Фарғоний, Амир Темур, Нақшбанд, Алишер Навоий, З. М. Бобур ва бошқаларнинг қолдирган бой мерослари ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзининг самарали таъсирини кўрсатади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг шакл ва усуллари ранг-барангдир. Барча ўтказилган тадбирлар ҳам ижодий ишдир.

Иккинчи боб бўйича хуласа қиладиган бўлсак бунда ўқувчи ёшларимизни ҳалқимизнинг жанговар ва меҳнат анъаналари асосида тарбиялашда уларнинг асосий моҳияти, замонавий шакллари, услублари, ва Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларидаги жанговар анъаналар уларни ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва хизмат фаолиятидаги ўрни ҳақида ёритиб бердим.



### **III. БОБ. ТАДҚИҚОТ СИНОВ НАТИЖАЛАРИ**

#### **3.1. Ўқувчиларни Ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мажмуавий ёндашишга асосланган тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари**

Битирув малакавий ишимнинг биринчи бобида Ватанпарварлик тарбиясининг мафкуравий ва услубий-методологик хусусиятлари, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, ёшларни ватан ҳимоясига тайёрлаш тизимининг муҳим омили сифатида, ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида таъкидлаган эдим.

Ўқувчи-ёшларда ватанпарварликни шакллантириш, уларни ватанга меҳр-муҳаббат касб танлашга йўллаш ишининг турларидан бири - бўлиб, у ёшлар билан босқичма-босқич ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлишини.

Бунда – педагоглар, ота-оналар, оиланинг роли тўғрисида бериладиган маълумот ўқувчиларни онгига таъсир қилувчи томонларидан ташқари, ижтимоий аҳамияти ва ҳаётда ўзлари эгалламоқчи бўлган мутахасисликлари инсоннинг психофизиологик хусусиятларига қўйиладиган умумий ва махсус талаблари ҳамда муваффақиятли касбий фаолият учун кишига зарур бўлган маълумотлар тўғрисида ҳам етарлича чуқур тушунчаларни ўз ичига қамраб олиши тўғрисида фикр юритган эдим.

Ўсмир-ёшларнинг ватанпарварлик тўғрисидаги тушунчаси қанчалик кенг

ва чуқур бўлса, уларнинг эгалламоқчи бўлган мутахасислигига қизиқиши шунчалик онгли ва турғун бўлишини инобатга олиш муҳимдир. Шахснинг ўз тақдирига тааллуқли қарор қабул қилишида унинг. Ёши аҳамияти ҳам анча катта.

Масалан; 12-15 ёшларда шахс интеллектининг ривожланишида сезиларли ўзгаришлар намоён бўлиб, атроф муҳитда содир бўлаётган воқеа-

ходисаларни тахлил қилиш, умумлаштириш, ўз шахсий ҳаётини ўрганиш ва режалаштириш каби қобилиятлар пайдо бўла бошлайди .

Биз юқорида келтирилган фикрларга қўшилган ҳолда, ўз тадқиқотимизнинг объектлари сифатида 15-17 ёшлардаги Академик лицей ўқувчи-ёшларида ҳарбий соҳа касбларига қизиқишни шакллантиришнинг самарали йўллари ва воситаларини тадқиқ қилишга ҳаракат қилдик.

Кадрларни тайёрлашга оид бўлган илмий тадқиқотлари" тахлили натижасида шахснинг касбий камолоти объектив ва субъектив омиллар мажмуасига боғлиқ бўлиб, объектив омилларга шахс хохиши ва иродасига боғлиқ бўлмаган, лекин унинг касбий тикланиш жараёнининг сифатини ошириш учун шароит яратадиган омилларни, субъектив омиллар қаторига эса касбий тикланишда шахснинг ўзига, унинг индивидуал ва психофизиологик хусусиятларига боғлиқ бўлган омилларни ҳамда шахсдан ташқари омиллар гуруҳи шахснинг ўз билимларини амалда қўллашга қизиқиши, масъулият, интизомлилик, билишга ва касбга қизиқиш, мойиллик, қобилият кабилари киради. Шу билан бирга, П.Т.Мағзумов томонидан ўқувчи шахсининг касбга қизиқишини шакллантиришдаги асосий омиллар сифатида улар ота-оналар, синф раҳбари, фан ўқитувчиси, телевидение, бадий адабиёт кабилар келтирилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Академик лицей ўқувчиларида ҳарбий касбларга қизиқишни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ташкил қилишга тизимли ёндашишга уриниб кўрдик. Ўқувчиларда касбга қизиқишни шакллантиришга қаратилган тадбирларни яхлит тизим, деб қараб, унинг таркибий қисмлари - дарс жараёнида ҳамда дарсдан ташқари тадбирлар -

1 Кон И.С. Психология ранней юности: Кн.для учителя. -М.: Просвещение, 1989. 69-бет. 2. Қаранг: Абдукадыров А.А. Теория и практика интенсификации подготовки учителей физико-математических 'дисциплин. Монография / Под ред. С.Р.Раджабова. -Т.:Уқитувчи, 1991. - 116 б.; Кузьмина Н.В., Реан А.А. Профессионализм педагогической деятельности. -

М.:Педагогика, 1993. - 172 б.; Магзумов П.Т. Формирование у учащихся потребности в трудовой деятельности.-Ташкент: Фан, 1991.-84 б.; Филиппов А.В. Работа с кадрами: психологический аспект. -М., 1990. -168 б.; Юзликаев Ф.Р. Интенсификация процесса дидактической подготовки будущего учителя в педагогическом институте. Монография. -Т.: Фан, 1995. - 203 б.;

Н.Ш.Шодиев. Внеклассная и внешкольная работа по профориентации учащихся. -Т.: Фан, 1988.


касбга оид тўгараклар фаолияти, экскурсиялар ва мустақил таълим жараёнларида касбга йўналтириш ишлари амалга оширилди.

Тадқиқотимиз жараёнида тажриба-синов ишлари, юқорида таъкидлаганимиздек, пойтахтимизнинг Текстил ва енгил саноат институти ҳамда Иқтисодиёт университети қошидаги академик лицейларда амалга оширилди. Бунда 12 нафар ўқувчи ва 10 нафар педагог иштирок этди. Тадқиқотимизда иштирок этган ўқувчилар икки гуруҳга бўлиниб, уларнинг бири ~ назорат гуруҳи (26 нафар ўқувчи), иккинчиси эса - тажриба гуруҳи (28 нафар ўқувчи) деб белгиланди.

Назорат гуруҳида ЧҚБТ дарси ва дарсдан ташқари тадбирлар анъанавий равишда, ҳеч қандай ўзгаришсиз олиб борилди. Тажриба гуруҳларида эса ЧҚБТ дарси ҳамда дарсдан ташқари тадбирлар - касбга. оид тўгараклар фаолият, экскурсиялар ва мустақил таълим жараёнларида ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари амалга оширилди.

ЧҚБТ дарси материаллари, дарс мавзуси ҳисобга олинган ҳолда, ўқувчилар ҳарбий касбларга оид қўшимча маълумотлар билан таъминланди. Бу тадбирлар ўқувчиларни ҳарбий касбларга оид қўшимча билимларни ўзлаштиришларига имкон яратди, уларнинг билиш фаоллигини оширди.

Ҳарбий касбларга оид қўшимча билимларни мустаҳкамлашда эса биз ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятларидан - тўгараклар, экскурсиялар ва мустақил таълим имкониятларидан фойдаландик.



касбларига, балки бошқа соҳаларнинг касбларига нисбатан ҳам қизиқиш шаклланишига самарали таъсир қилиши мумкин экан. Бунда ўқувчиларга касблар тўғрисида бериладиган қўшимча маълумотлар билан бирга уларни касбга йўллашга доир маслаҳатларнинг ҳам аҳамияти каттадир.

#### 2.1-жадвал

Ўқувчиларни касб соҳаларига қизиқишларини шаклландириш (қиёсий таҳлил)

№	Касблар соҳалари	Жавоб натижалари	
		Назорат	Тажриба гуруҳи
1.	Ҳарбий соҳа касблари	7,8%	18,1 %
2.	Ишлаб чиқариш соҳаси	5,2%	9,5%
3.	Молия ва иқтисод соҳалари касблари	62,0%	48,7%
4.	Ижтимоий соҳа касблари	9,4%	12,7%
5.	Техника билан боғлиқ касблар	16,6%	15,0%
6.	Ҳеч қайси соҳа касбларига қизиқмайди	0	0



Биз аминмизки, академик лицей ўқувчиларига дарс ва дарсдан ташқари тадбирларда касбга йўллашга қаратилган маълумотлар билан бирга уларни касбга йўллашда тегишди маслаҳатлар бериш бу ишнинг самарасини янада орттиради, ҳали касб танлашга улгурмаган

Ўқувчиларнинг ўз касбий режаларини рационал тузишларига ижобий таъсир кўрсатади.

Биз томондан олиб борилган шакллантирувчи тажриба натижасида юз берган ўзгаришларни қуйидаги 2.2-расмда кўриш мумкин.

Фикримизнинг далили сифатида хулоса қилиш мумкинки, ЧҚБТ дарси ва дарсдан ташқари машғулотларда тадбирларнинг аксарияти ўқувчиларни ҳарбий соҳа касбларига йўналтиришга қаратилган бўлсада, бу тадбирлар кўпчилик ўқувчиларга билвосита таъсир қилиб, уларнинг касб танлашида ўз қобилият ва қизиқишларини ҳисобга олишлари зарурлигини тушунишларига ёрдам берди.

Шу билан бирга, тадқиқотимиз охирида Академик лицей ўқувчиларининг касб танлашига таъсир қилувчи омилларни яна бир бор ўрганиб чиққанимизда, тажриба гуруҳидаги ўқувчилар берган жавоблар диққатимизни ўзига тортди. Биз уларда танлаган касбларига қизиқиш шаклланишига кимнинг маслаҳати сабаб бўлганлигини сўраганимизда, тажриба гуруҳидаги энг юқори кўрсаткичлар "ота-она ва қариндошлар маслаҳати" ҳамда ўқитувчи-педагоглар маслаҳати" деб кўрсатилди (қаранг: 2.2-жадвал).



## ХУЛОСА

Битирув малака ишимни биринчи президенти И.Каримовнинг қуйидаги сўзлари билан яқунламоқчиман; **“Республика миллий хавфсизлиги асослари-республика ёшларидир”**. Ёшлар тинчлигимиз, келажакка бўлган ишончимиз, халқ манфаати ишларининг давомчиси, барчамиз болаларимиз келажаги, бахти учун меҳнат қилмоқдамиз, балки давлатимиз миллий тикланиши, гуллаб яшнашининг таъминланиши ғояларининг амалга оширилишига ҳам боғлиқ.

Биз эса бу ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари хизматига тайёрлашимиз керак бўлади. Ўқувчи ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашимизда, ҳарбий билим бериш жараёнларини кўпроқ амалий ва янги педагогик технологияларни қўллаб машғулотларни олиб боришимиз даркор. Шундай қилиб ёшлар ҳарбий ватанпарварлик тарбияси – оиладан бошланадиган, ўқув юртида, сўнг армияда давом этадиган узлуксиз жараёндир. Мен битирув малака ишимда ватанпарварлик ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг Ватан ҳимоясидаги ўрни, ватанпарварлик тарбиясининг мақсади ва мазмуни ҳамда таълим муассасаларидаги ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг мавжуд аҳволи тўғрисида маълумот бердим. Ундан ташқари халқимизнинг жанговар ва меҳнат анъаналари асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг механизми, жанговар анъаналар уларни ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва хизмат фаолитидаги ўрни ҳақида йритиб бердим. Ҳарбий таълим ўқитувчиси ёшларни ҳар томонлама илм жиҳатидан, таълим-тарбия томонидан одоб-ахлоқ томонидан, эркин фикрлилик жиҳатидан камол топишга ёрдам бермоғи лозимдир.

Ҳарбий раҳбарнинг ўқув ва малакалари ўқувчи ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига самарали таъсир этишида жуда муҳим ўрин тутди (яъни жуда муҳим ўринни эгаллайди).

Ватан ҳимоячиси бир нарсани унутмаслиги керак - Ватан ҳимоячиси бўлиш бу на фақат катта обрў, балки ўта маъсулиятли жавобгарликдир, негаки ҳарбий хизматчига мамлакатимиз учун энг муқаддас бўлган озодлик, мустақиллик ва ҳудудимиз яхлитлигини таъминлашдек юксак вазифа топширилган. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга бўлган ҳарбий бурч ва шахсий маъсулият, ўз халқига садоқат билан хизмат қилиш – ҳарбий хизматчилар шиоридир. Ушбу битирув малакавий ишини ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қўлланма сифатида фойдаланишни тавсия қиламан.

Ҳозирги замонавий шароитларда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси фанини ўрганиш педагогик технологияларни татбиқ қилиш билан характерлидир.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси фанини ўрганишда педагогик технологиялардан фойдаланиш таълим технологияларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, педагогик инновациялар, муаллифлик мактаблари ва янги технологияларни эксперимент қилиш билан боғлиқдир. Бу тажрибалар муайян тизимни ишлаб чиқиш ва умулаштиришни талаб этади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси фанини ўрганиш вазифаси – ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий масалаларини, шунингдек қуролли тўқнашувлар даврида уруш, тинчлик ва шахс ҳуқуқини ҳимоялаш масалаларини тартибга солувчи халқаро меъёрларни ва сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан илмий савияларини ошириб, ўзлаштирган билимларини келажакда ёшларга ўқитиш учун янги технологияларни ва инновацион стратегияларни ўқитишнинг интерактив методларини қўлашни ўргатишдан иборат.

Шу сабабли ҳарбий ватанпарварлик тарбияси муаммоларини ўрганишда педагогик технология мурожат этишга асосий услуб сифатида қаралди.



Педагогик технологиялар таснифларини асослаш, технология турларини мазмунининг йоритиши, бу технологияларни ҳарбий ватанпарварлик тарбияси жараёнига татбиқ этиш йўллариини белгилаш таълимнинг барча босқичларида унинг самарадорлигини оширишга имкон беради.

Давлат талаби нуқтаи назаридан ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ва унинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фаолиятининг ривожланиши ва шаклланишининг ҳуқуқий асослари ўрганиш жараёнида таълим технологияларни жорий этилиши, замонавий техник воситаларидан яни, компьютер системаларнинг қўлланилиши, уларнинг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси фанини ўрганишда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакиллантиришда таълим технологияларни жорий этиш самарали натижа беради.

Шундай қилиб юқорида таъкидлаб ўтилгандек Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси фанини ўрганиш, ишларини ташкил этиш самаадорлиги ҳисобланган замонавий таълим технологиясини таълим жараёнида қўллаш ва ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси //Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонунлари. – Т.: Адолат, 2002. – №11. – 287 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ги Қонуни //Ўзбекистон Республикаси Қонунлари. – Т.: Адолат, 436-11-сон. 2002. – 5 б.
4. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 31-61-б.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси /Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Р.Ахлитдинов, Ҳ.Саидов. – Т.: Шарқ НМК Бош таҳририяти, 1998. – 184 б.
6. Каримов И.А. “Биздан обод ва озод Ватан қолсин”. 46 - 48 б
7. КаримовИ.А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Ўзбекистон» нашриёти 1995 йил 13 б
8. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ НМК Бош таҳририяти, 1998. – 31 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари–Т.: Ўзбекистон, 1998 й. – 686 б.
10. Каримов И.А.Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда–Т.: Ўзбекистон, 2000. – 350 б.
11. Ортиқов О. ва бошқалар. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик: Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. I – Қисм. Ортиқов О. – Т.: Илм зиё – 2005. – 344 б.

12. Ҳарбий хизматчилар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг долзарб муаммолари . Республика илмий амалий анжуманининг материаллари 2002 йил

13. А.Сафаров Ахборот психологик хуружлар ва маънавий таҳдидлар. Шарқ нашриёти Тошкент 2015 йил.

**1-Илова**

**Ўқувчи -ёшлари орасида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича**

**2015-2016 ўқув йилига мўлжалланган тадбирлар**

## **РЕЖАСИ**

№	Тадбирлар мазмуни	Муддати	Тадбирнинг бажарилишга масъул шахслар
1.	“Одам савдосига қарши курашиш”га қаратилган огоҳлик давра суҳбати	2016 йил, 12 сентябрь	Маънавий – ахлоқий тарбия ишлари бўйича декан муовини, Мураббийлар кенгаши раиси, “Камолот” ЁИХ етакчиси, гуруҳ мураббийлари
2.	Халқаро диний бағрикенглик куни муносабати билан “Динлараро бағрикенглик-миллий ғоямиз” мавзусида тадбир ташкил этиш.	2016 йил, 17 октябрь	Маънавий – ахлоқий тарбия ишлари бўйича декан муовини, Мураббийлар кенгаши раиси, “Камолот” ЁИХ етакчиси, гуруҳ мураббийлари
3.	“Юрт тинчлиги - эл бойлиги” мавзусида давра суҳбати	2016 йил, 21 декабрь	Маънавий – ахлоқий тарбия ишлари бўйича декан муовини, Мураббийлар кенгаши раиси, “Камолот”

			ЁИХ етакчиси, гуруҳ мураббийлари.
4.	Талабалар ўртасида “Дин ва қонун” рукни остида давра суҳбати ўтказиш	2017 йил, 23 январь	Маънавий – ахлоқий тарбия ишлари бўйича декан муовини, Мураббийлар кенгаши раиси, “Камолот” ЁИХ етакчиси, гуруҳ мураббийлари
5.	“Огоҳлик–давр талаби” мавзусида давра суҳбати.	2017 йил, 23 март	Маънавий – ахлоқий тарбия ишлари бўйича декан муовини, Мураббийлар кенгаши раиси, “Камолот” ЁИХ етакчиси,
6.	Факультетда ижтимоий–маънавий мухитни соғломлаштириш, диний ақидапарстликни олдини олиш борасида, мутахассислар билан ҳамкорликда “Экстремизм-ёвуз куч” мавзуларида давра суҳбати ўтказиш.	2017 йил, 21 апрель	Маънавий – ахлоқий тарбия ишлари бўйича декан муовини, Мураббийлар кенгаши раиси, “Камолот” ЁИХ етакчиси, гуруҳ мураббийлари
7.	“Ўз уйингни-ўзинг асра” мавзусида тадбир ўтказиш	2017 йил, 30 май	Маънавий – ахлоқий тарбия ишлари бўйича декан муовини, Мураббийлар кенгаши раиси, “Камолот” ЁИХ етакчиси ҳамда гуруҳ мураббийлари

### **маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича**

**декан муовини:**